БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

1990 йил
11 январь
Пайшанба
№ 8 (13.444).
Баҳоси 3 тийин.

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган • ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ

Иқтисод ва ҳаёт

Сўзда эмас, амалда

Охунбобоев ноҳиясидаги 1 Май номли колхозда ва «Солижонобод» совхозида янги кўчалар пайдо бўлди. Авваллари бўм-бўш ётган ерларда атиги беш ой ичида сифатли уйлар қад кўтарди. Ҳар бир хонадоннинг каттагина томорқаси бор. Бу қишлоқ меҳнаткашларига қўшимча ер ажратиб бериш юзасидан ишлаб чиқилган батафсил режаларни амалга оширишнинг дастлабки якунидир.

Охунбобоев ноҳияси ери шўрҳок, ишлов бериш оғир бўлган марказий Фарғона зонасида жойлашган. Ўша машъум пахта ялпи ҳосили кетидан қувиш натижасида ҳайдаладиган ерларнинг катта қисми яроқсиз аҳволга келди. Қачонлардир серҳосил бўлган юзлаб гектар майдонларда ер ости сувлари юзага сизиб чиқа бошлади. Тобора кўпроқ янги ерларга экин экила бошлади, шўр босиб, яроқсиз ҳолга келган қанчадан-қанча ерлар эса қаровсиз қолиб кетаверди.

— Ер ажратиб бериш тўғрисида қарор қабул қилиниши биланоқ одамларнинг руҳи кўтарилиб кетди, — дейди Охунбобоев ноҳия партия комитетининг секретари Г. Эргашева. — Маҳаллий Советларга уй қуриш учун ер ажратиб беришни сўраб, 8100 киши ариза берган. Ҳозиргача 5 мингдан кўпроқ кишига 10—15 сотиҳдан ер берилди.

Ноҳияда ҳамма нарсани ноҳия партия комитети ҳал қиладиган одатдаги буйруқбозлик усулидан воз кечишди. Энди ер ажратиб бериш хўжаликларнинг ихтиёрида. Ҳозирнинг ўзидаёқ бўлажак ҳовли эгаларига 1300 гектар ер ажратилди. Шундай қилиб, 1990 йилда ноҳияда ер участкаси олмаган бирорта ҳам киши қолмайди.

Қишлоқда одатдагидек ҳашар йўли билан уйлар қурилмоқда. Қўни-қўшнилар, ёру-биродарларнинг ёрдами беқиёс эканлиги шубҳасиз. Лекин ҳозир танқис бўлиб қолган қурилиш материалларини, айниқса, ёғоч ва ғиштни қаердан олиш мумкин?

Мазкур муаммоларни ҳал этиш учун ноҳияда иккита йўл танладилар. Биринчи йўл — унча катта бўлмаган ғишт заводларини бунёд этиш. Ҳозир бундай заводлар Ленин номли ва «1-Май» колхозларида ишлаб турибди. Охунбобоевликлар ёғоч муаммосини ҳам ҳал этишга киришдилар. Улар Хакасиядаги ўрмон хўжаликларининг бири билан бевосита шартнома тузишди. Деҳқонлар у ерга мева ва полиз маҳсулотлари юборишмоқда, унинг эвазига эса сифатли қурилиш материаллари олишмоқда. Айтганча, Охунбобоев ноҳиясидан Хакасияга юборилган бригада ёғоч тайёрламоқда.

Томорқаси билан уй қуриб олишни қишлоқдаги ҳар бир киши орзу қилади. Бинобарин, рисоладагидек ҳаёт кечириш учун қулайликлар ҳам зарур. Уларни ичимлик сув, табиий газ билан таъминлаш лозим. Одатда худди ана шу нарсалар учун маблағ етишмайди.

Бироқ ноҳияда бундай муаммоларни ҳал этиш йўллари кўплигига ишонишади. «Фергананефтеоргсинтез» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ёрдамчи хўжалигига айланган «Солижонобод» совхозида ана шундай йўлларнинг биридан фойдаланишди. Шаҳарликлар газ қувури ётқизишни ўз зиммаларига олишди, улар хўжаликда ўз пулларига уйлар қуришмоқда, йўлларни ремонт қилишмоқда. Сарфланган маблағлар мўл-кўл сабзавот, мева ҳосили, сут маҳсулотлари тарзида уларга қайтарилмоқда. Бу маҳсулотларнинг ҳаммаси корхонада арзон нархларда сотилмоқда.

...Охунбобоев ноҳияси яқин-яқингача вилоятда иқтисодий жиҳатдан қолоқ ҳисобланарди. Энди эса, бу ерда турғунлик йиллари қолдиқларини комил ишонч билан тугатишмоқда. Муҳими, одамлар бунга ишонч ҳосил қилдилар — уларга сўзда эмас, амалда ғамхўрлик қилинмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).
Фарғона вилояти.

Мактаб ислоҳоти

ЎҚУВЧИЛАРГА БЕПУЛ НОНУШТА

Ўзбекистон мактабларида қишки таътил кунлари тугаб, ўқиш бошланиши биланоқ 1—5 синф ўқувчиларига текинга нонушта берила бошланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати ана шу мақсад учун олтмиш тўрт миллион сўмдан кўпроқ пул ажратиб, қарор қабул қилдилар. Бу пул республика бюджетидан, партия бадалларидан, комсомол ва касаба союз кассасидан олинди.

— Ўқувчилар илгари ҳам бепул овқатланишарди, лекин фақат кам таъминланган оилаларнинг болаларигина бу имтиёздан фойдаланишарди, — деди республика халқ таълими министрининг биринчи ўринбосари С. Г. Махненко ЎзТАГ мухбирига. — Болаларнинг кўпчилиги амалда ярим кун давомида овқатсиз қолишарди: ҳар бир бола ҳам ўз уйидан бир бурда нон билан бир кесим пишлоқ, ёки бир кесим гўшт олиб кела олмайдида. Тиббий текширувлар айниқса қишлоқ жойларида яшайдиган болаларнинг кўпчилиги қонида оқсил моддаси етишмаётганлигини кўрсатди. Ўқувчиларга бериладиган нонушта 15 тийин туради, бир стакан сут ёки шарбат билан булочка очликни енгишга ёрдам беради ва саломатлик учун фойдали бўлади.

Республика Савдо министрлиги, «Ўзбекбирлашув», Давлат-кооператив қишлоқ хўжалик комитети фақат ана шу мақсад учун сут, гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ажратдилар. Кўп мактабларда буфетларда столлар ва тикка ҳолда овқатланиш учун мосламалар ўрнатиш, идишларни сақлайдиган жавонлар билан таъминлаш муаммоси ҳал этилмоқда. Мактабларнинг учдан бир қисми мослаштирилган биноларда жойлашганлиги сабабли уларда ошхоналар йўқ. Шунинг учун ҳам нонушталар синфларнинг ўзида берилади.

Шу янгилик жорий этилиши муносабати билан мактаблар зарур бўлиб қолган тақдирда танаффусларни ҳам чўзишмоқда. Бу эса бир неча муаммоларни биргаликда ҳал қилишга имкон беради. Масалан, дарс вақтида унинг орасига жисмоний тарбия, шунингдек ўйинлар киритилиши тўғрисидаги масала анчадан бери кўтарилмоқда. Болалар навбатма-навбат нонушта қилишаётганида, уларнинг қолган қисми очиқ ҳавода мазза қилиб дам олиши мумкин.

Нонушталарнинг ташкил этилиши тарбиячиларга ортиқча юк бўлиши табиий, — деб таъкидлади министр ўринбосари. — Шу сабабли бундай ўқитувчиларнинг манфаатдорлиги тўғрисида савдо ташкилотлари билан келишиб олинди. Нонушталардан тушган пулнинг бир қисми ана шу ўқитувчиларнинг маошига қўшилади.

Ўқувчиларни текинга овқатлантириш — халқ таълими системасида ижтимоий-маиший шароитларни яхшилаш борасидаги аниқ мақсадга мўлжалланган тўкис-тугал режаларнинг бир қисмидир, холос. Жумладан, ана шу режалар ичида ўқитувчиларга қўшимча квартиралар, санаторийларга йўлланмалар ажратиш, шаҳар транспортида бепул юриш, шунингдек коммунал хизмат учун имтиёзлар бериш ҳам назарда тутилган.

Диққат, конкурс!

Истиқбол модели

Эътиборингизга ҳавола этилаётган конкурс ўзига хослиги билан ажралиб туради. У илгари ўтказилган бирор бир конкурсга мутлақо ўхшамайди. Бунга таажжубланманг ва ҳайрон ҳам бўлманг. Жумҳуриятимизда ёшлар сиёсатини ишлаб чиқиш бошлаб юборилди. Бу сиёсатни ишлаб чиқиш уч босқичдан иборат бўлади. Биринчи босқичда ёшлар муаммолари яна бир бор жойларда амалий ва илмий жиҳатдан ўрганилади. Олинган натижалар асосида «Ўзбекистон ёшлари» программаси қабул қилиниши кўзда тутилади. Бу иккинчи босқични ташкил этади. Учинчи босқичда программа бажарилишини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида жумҳуриятимизда ёшлар ҳақида қонун ишлаб чиқилиши ва унинг қабул қилиниши назарда тутилади.

Маълумки, шу йилнинг 1 январида «Ўзбекистон ёшлари» программасини ишлаб чиқиш конкурси эълон қилинган. Уни жумҳурият комсомоли Марказий Қўмитаси ёшлар фан-техника ижодкорлиги марказларининг иштирокида ўтказаяпти.

Сизни конкурсда кимлар қатнашиши ва унинг шартлари билан қисқача таништириб ўтамиз. Унда жамоат ташкилотлари, уюшмалар, ёшлар фан-техника ижодкорлиги марказлари, клублар, норасмий ташкилотлари, якка шахслар... қатнашиши мумкин. Уларнинг барчаси конкурсга программанинг лойиҳаларини тақдим этишлари мумкин.

Лойиҳаларга талаблар қуйидагича. Программа уч бўлимдан иборат бўлиши лозим. Биринчи бўлимда давлат ёшлар сиёсати принциплари таърифлаб берилиши, иккинчи бўлимда программанинг ўзи баён этилиши зарур. Ўзбекистон ёшлари олдида турган беш муаммо: иш билан бандлик, таълим, маданият ва ҳордиқ чиқариш, саломатлик, шунингдек, комсомол-ёшлар иқтисодиётини ривожлантириш масалаларини ҳал этиш йўллари кўрсатиб берилиши шарт. Лойиҳанинг учинчи бўлими программани молиявий таъминлаш манбаларини аниқлаб бериши лозим.

Конкурснинг барча қатнашчиларига жумҳурият ЛКСМ Марказий Қўмитаси ҳузуридаги муваққат ёшлар ижодий коллективи томонидан тайёрланган «Ўзбекистон ёшлари» илмий маърузаси тарқатилади.

Конкурс якунларини махсус эксперт комиссияси чиқаради. Унинг таркибига жамоатшунос олимлар, конкурсда қатнашаётган барча ижодий коллективларнинг вакиллари, шунингдек, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитаси вакиллари киритилган.

Ғолибликни қўлга киритганлар мукофотланадилар: биринчи ўрин — 5000 сўм, иккинчи ўрин — 3000 сўм, учинчи ўрин — 1500 сўм миқдорида белгиланган.

Конкурс қатнашчилари программанинг ҳамма қисмларини ишлаб чиқишлари шарт эмас. Хоҳловчилар бир ёки бир неча бўлимлар бўйича иш олиб боришлари мумкин. Муаммонинг энг оригинал ечими учун 2000 сўм ва муаммонинг ечилишида молиявий манбаларнинг ноанъанавий йўли танланганлиги учун 2000 сўм миқдорида махсус мукофотлар ажратилган.

Конкурс 1 январдан 1 мартгача давом этади. Унда қатнашиш истагини билдирганлар 25 январгача Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитасининг ёшлар шўъбасида рўйхатга олинадилар.

Конкурс шартлари билан батафсилроқ танишиш учун 39-17-01 телефон орқали Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасининг ёшлар сиёсати шўъбасига мурожаат қилишингиз мумкин.

Аёллар, оила ва болалар тўғрисида ғамхўрлик

Республика Министрлар Советида бўлиб ўтган кенгаш ўн учинчи беш йилликда ва 2005 йилгача бўлган даврда аёллар ва оиланинг аҳволини яхшилашга ҳамда болаларнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган Ўзбекистон ССР давлат программасини ишлаб чиқиш масалаларига бағишланди.

Кенгашни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси М. М. Мирқосимов олиб борди.

Яқинда республика Министрлар Советида тузилган хотин-қизлар ишлари, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлимининг мудираси О. С. Аббосова кенгаш қатнашчиларига программа устида ишни ташкил этиш тўғрисида сўзлаб берди.

Кенгашда бу ишни кучайтириб, программанинг концепцияси ва структурасини белгилаб олиш, уни тузишга методологик ёндашишни аниқлаб олиш зарурлиги таъкидланди. Министрлик ва идораларнинг, илмий муассасаларнинг, жамоат ташкилотларининг вакилларидан иборат ишчи группалари меҳнат ва ижтимоий-сиёсий турмуш соҳасида хотин-қизларнинг аҳволини яхшилашнинг, оилага доир сиёсатни, оналик ва болаликни муҳофаза қилишни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб беришлари керак. Оиланинг ўзини тутиб олиши ва мустаҳкамланиши ҳамда унинг тарбиявий имкониятлари кучайтирилиши учун давлатнинг, маҳаллий Советларнинг, меҳнат коллективларининг масъулиятини оширадиган аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирлар системасини ишлаб чиқиш лозим. Бу кўп болали оилалар сони кўпайиб бораётган республикамиз учун жуда муҳимдир.

Кенгашда Ўзбекистон касаба союзлари республика кенгашининг раиси Ҳ. А. Алимова нутқ сўзлади.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ў. Р. Умарбеков қатнашди.

(ЎзТАГ).





Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигига қарашли Тошкентдаги тажриба ип-йигирув тўқувчилик фабрикаси ёшлари янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ ўз зиммаларидаги топшириқларни ортиғи билан бажаришга ҳаракат қилишяпти. Коллектив ўртасида ташкил этилган социалистик мусобақада комсомол аъзоси Шаҳноза Отахўжаева байроқдорлик қилмоқда. У тўрт йилдан бери корхонада меҳнат қилиб, ўз касбининг устаси бўлган. Илғор ишчи бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ўзининг самарали меҳнатига боғлиқ эканини яхши билади.

СУРАТЛАРДА:
1. Илғор ишчи Ш. Отахўжаева.
2. Корхона цехларида.

Х. СОЛИХОВ
суратга олган.

Биринчи саҳифага мактуб

«ОҚШОМ ТЎЛҚИНЛАРИ» СУСАЙМАСИН

Жамиятимизда ижобий ўзгаришлар куртак ёзиб, қайта қуриш, демократия ўзини намоён эта бошлади. Адолатни қарор топтиришнинг машаққатли йўлидан собитқадам одимлар қўйилаётир. Тўғри, ҳали ечимини кутаётган долзарб муаммолар оз эмас.

Барча жабҳада бўлганидек, жумҳуриятимиз радиоси «Ахборот» эшиттиришлар бош редакцияси 1987 йилнинг бошларида ташкил этган «Оқшом тўлқинлари» мусиқий-ахборот программаси тезда кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортди. Тингловчилар унинг эшиттиришларини орзиқиб кутадиган бўлиб қолишди. Бу жумҳуриятимиз аҳлининг радиога бўлган ихлосини оширгани шубҳасиз. Эшиттиришларда жойлардаги кундалик янгиликлар, қайта қуриш қандай бораётганлиги, унда бўлган тўсиқлар, ечимини кутаётган муаммолар ҳақида ахборотлар бериб борилишининг ўзи катта иш.

Бироқ, ҳозирги берилаётган эшиттиришлардаги ўткирлик руҳи сўниқ. Танқидий материаллар нимагадир камайиб қолди.

Бизнингча, қаттиқ танқидий материаллар кимларгадир ёқмаётган кўринади. Фақат илтимос, мусиқий-ахборот эшиттириши ўз йўналишини ўзгартирмасин. Шунда ўз олдига қўйган мақсадга эришган бўлади. Халқнинг ҳурматини қозонаверади.

Қўпайсин БУРИБОЕВ,
Фарғона вилояти, Охунбобоев ноҳияси комсомол қўмитасининг бюро аъзоси, байналмилал аскарлар ноҳия кенгашининг раиси.

ТУРҒУНЛИК ТУМАНИ

Инсон дунёга келибдики, унинг камол топишида таълим-тарбия асосий воситадир. Болалардаги софликка ғубор етказмай, яхшиликдан ёмонликни, эзгуликдан худбинликни, айёрликдан тўғри сўзликни фарқлай олишида китоб муҳим аҳамиятга эга. Бадиий адабиёт мурғак қалбларни ҳар томонлама шакллантириб, уларни кенг фикрлашга ўргатади. Биз китоб орқали маданиятимизни ўрганамиз.

Андижон вилояти болалар кутубхонаси 3700 дан ортиқ кичкинтойлар ва ўқувчиларга хизмат кўрсатувчи ягона маскандир. Ноҳияларда жойлашган 60 дан зиёд болалар кутубхоналари ҳам ана шу даргоҳнинг тармоқлари. С. Журавлева, Д. Собирова, М. Мамадалиева каби ходималар ёш китобхонларнинг севимли опажонларидир. Болалар боғчалари тарбияланувчилари ҳафтанинг ўзларига ажратилган кунларини шу ерда ўтказишади. Улар учун ранг-баранг суратли китоблар, диафильмлар муҳайё...

Хўш, бунинг нимаси ёмон? Демак, ҳаммаси жойида-ку, дейишингиз мумкин. Келинг, сал чуқурроқ мулоҳаза юритиб кўрайлик. Шуни афсус билан айтиш керакки, турғунлик йиллари кутубхоналаримизни ҳам четлаб ўтолмади. Кутубхонани айланар эканмиз, биз ўзимизни Ўзбекистонда эмас, бегона шаҳарларда юрганга ўхшатдик. Негаки, деворларга фақат рус халқ эртаклари қаҳрамонларининг расмлари чизилган. Олиб борилаётган кечаларнинг аксарияти рус тилида.

Кутубхонада ўзбек тилида 12 минг 658 нусха китоб бўлиб, бу рус тилидагига қарганда ўн баравар кам, ҳолбуки, маҳаллий миллат болалари кўпчиликни ташкил қилади. Биз бу ердан Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур китобларини изладик. Топа олмаганимиздан сўнг, буюк алломалар асарлари ўқувчилар қўлида, деб айтишди. Ундан ташқари, кутубхонада Қ. Муҳаммадий, А. Обиджон, Т. Адашбоев каби болалар шоир ва ёзувчиларининг китоблари етарли даражада эмас.

А. С. Пушкин, А. Гайдар, Ҳ. Х. Ниёзий, композитор А. Пахмутовалар ижодига бағишланган кечалар ҳам фақат рус тилида ўтказилган. А. Навоий ва З. Бобур кунлари яна «эсдан чиққан». Юзлаб эртаклар ёзилган пластинкалар ичида атиги 2 та ўзбек халқ эртаклари борлиги бизни ажаблантирди.

Биз кутубхона директори И. Тўхтаевдан кутубхонада нега ўзбек тилида китоблар камлиги ҳақида сўраганимизда, унинг ўрнига бўлим мудири И. Қацюбина:

— Ўзбек ўқувчиларининг кўпчилиги ўз она тилида ўқишмайди, ҳатто ўз тилини билмайдиганлари ҳам кўп, — деб жавоб берди.

Хўш, нега болалар ўзбекчани билишмайди? Нега, улар ўз ёзувларини йўқотгани етмагандай, ўз она тилларини ҳам унутиб қўймоқдалар? Ҳамма нарса болаликдан бошланади, дейишади. Ўйлаб кўринг, айрим боғчаларимиздаги тарбиячиларнинг аксарияти ўзбекчани билишмайди. Кутубхоналарда ҳам аҳвол шу. Ҳатто юз фоиз маҳаллий аҳоли яшайдиган қишлоқлардаги савдо шохобчалари, болалар боғчаларида, ошхоналарда ҳам ёзувлар русча. Кинотеатрлардаги эълонлар ҳам русча битилган. Турғунлик йилларида халқни кўр-кўрона рус тилига «сиғинтирдилар».

Юқоридагиларни болалар кутубхонасига нима алоқаси бор, дея эътироз билдиришингиз мумкин. Бу нафақат кутубхонага, балки болалар боғчасига ҳам, болалар уйларига ҳам, мактабларга ҳам алоқадор! Ҳаммаси болаликдан бошланади. Ўз она тилини билмаган, ўз тарихи ва ўтмиши тўғрисида маълумотсиз ўсиб-улғаяётган ўғил-қизларда миллий ғурур бўлмаганидек, Ватанга муҳаббат ҳам бўлмайди.

Кутубхона шу кунгача номсиз. Шу борада биз кутубхонага шахсга сиғиниш йилларида ноҳақ айбланиб, мангуликка бош қўйган андижонлик шоир Абдулҳамид Чўлпон номи берилишини истардик.

М. ХОЖИМАТОВ.
ТошДУ талабаси.



Намангандаги нотўқима материаллар ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида ташкил этилган 40-махсус техника билим юрти бу йил ўзининг 5-баҳорини қарши олмоқда. Биринчи ўқув йилида атиги 120 нафар йигит-қизга уч турдаги мутахассислик бўйича таҳсил берилган бўлса, бугунга келиб 900 нафардан ортиқ комсомол-ёш ўндан ортиқ касб сирларини ўрганишмоқда.

Бу йил 200 нафар ўсмир билим юртидан мустақил ҳаётга йўлланма олади. Нотўқима материаллар бирлашмасининг тўқувчиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Муҳаррам Ғайбуллаева (ўртада) билим юртининг биринчи битирувчиларидан. М. Ғайбуллаева ўқувчилардан Н. Жўраева, У. Сайдуллаева, М. Солиева ва Р. Мамадалиевага ўз ҳаёт йўли ҳақида гапириб бермоқда.

Ҳ. ҲАЙДАРОВ ва М. ЖАМОЛОВлар суратга олишган.

Қишлоғингизни биласизми?

НЕГА МАҒЗОН?

Қарши шаҳрининг кунботаридаги қишлоқлардан бирининг номи — Мағзон. Қадимий қишлоқ шаҳарга туташиб кетган. Узоқ ўтмишда оқар сув Қарши шаҳри ва унинг атрофидаги анҳордан, баъзан унинг шимолидан оқиб ўтувчи Қашқадарёдан борган. Қишлоқ аҳлининг ҳаёти, турмуши Қарши шаҳри билан боғлиқ бўлган. Унинг ёши ҳам қарийб Қарши шаҳри билан тенглашиб қолади. Қарши — туркий сўз, маъноси — қаср, шоҳ қасри. Мағзон-чи?

Мағзон номининг яратилиши, маъноси ҳақида турли ривоят, фаразлар бор. Сўзнинг ҳозирги ё унга яқин сўзлар шаклига ўхшатиб изоҳлаш ҳолатлари мавжуд. Биронтасида ҳам номнинг маъноси тўғри шарҳланмайди.

Мағзон — ясама сўз. Сўз ўзаги — марғ, унга — зор қўшимчаси қўшилган. Сўз ўзаги ва қўшимчанинг бирикувидан янги сўз ясалган. Марғ — сўғдча сўз. Маъноси — кўкат, чорва хуш кўрадиган ўт. Худди шу маъноси билан марғ сўзи яғнобликлар тилида ҳозир ҳам қўлланади. Яғноб тили, эроний тиллар тарихи тадқиқотчиларининг айтишича, янги сўғд тилидир. Яғнобликлар сўғдларнинг бевосита сўнгги даврларга хос авлод-аждодларидир. Улар ҳозир Зарафшон дарёсининг бош қисмида яшайди.

Марғ сўзи эроний тилларнинг ўтмишига оид бир қатор ёдгорликларда қайд этилган. Сўғдий буддий матнларида, манихей ёдномаларида марғ сўзининг маъноси — ўтлоқ. Қадимги авесто тилида ҳам ўтлоқ, яйлов маъносини билдириб, марға шаклида бўлган. Афғон тилида марға — хашакбоп ўт. Эроний тилларнинг яна бир қанча шеваларида бу сўз бўлган, шакл жиҳатидан сал фарқ қилган. Тожик тили ўтмишида бу сўз бирмунча актив қўлланилган. Маънолари — ўт, кўкат; ўтлоқ, чаманзор, ўт кўп ўсган жой-яйлов. Худди шу маънода X асрда тузилган Асадий Тусийнинг «Луғати фурс» луғатида қайд этилган. Шу сўздан ясалган марғзор сўзи ҳам тожик тили ўтмишида бўлган. Маъноси — чаманзор, сабзазор, ўтлоқ. Тожик тилининг X—XIX асрлар изоҳли луғатида бу сўзга худди шундай изоҳ берилган. Ҳозирги форс тилида ҳам марғзор — ўтлоқ, яйлов; майдони кичик ўтлоқ.

Марғ сўзи сўғд ва тожик тилларидан ўзбек тилига ўтмаган. Ўзбек адабиёти ёдномаларида бу сўз учрамайди. Лекин марғзор сўзининг ўзбек тилига ўзлашиш даври анча узоқ мозийга тўғри келади.

Дастлаб XIV аср ёдгорлиги, Қутбнинг «Хисрав ва Ширин» достонида қўлланган. Маъноси — кўм-кўк ўтли жой. А. Навоий «Сабъаи сайёр», «Вақфия» ва бошқа асарларида марғзор сўзини такрор-такрор қўллаган. Ўтлоқ, яйлов, чаманзор, сабзазор маъносини ифодалаган. Шу сўзлар билан маънодош бўлган. XIV—XV асрларда бу сўз ўзбек тилининг ҳам ёзма, ҳам оғзаки нутқида амалда бўлган. Оғзаки нутқда ҳам кўп қўлланганлигини ифодаловчи далиллардан бири шу сўздан жой номларининг ясалганлигидир. Мағзон номи ана шу тариқа пайдо бўлган. Сўғдча марғ сўзи тожик тилига ўзлашгач, унга тожикча — зор сўз ясовчи қўшимчаси қўшилган, марғзор сўзи ясалган. Даврлар ўтиши билан шу ерда бунёд этилган қишлоққа ҳам ном бўлиб қолган. Сўз ўзагидаги «р» ундоши тушиб қолган, сабаби ўзак охиридаги икки ундошга ундош билан бошланувчи қўшимча қўшилган, шунда ўзакдаги титроқ «р» товуши тушишга мойиллик кўрсатган. Сўнгра ясама сўз охиридаги «р» товуши лаб-тиш «н» ундошига ўтган: марғзор — мағзор — Мағзон.

Ҳозирги Мағзон қишлоғи Нахшаб шаҳри қолдиғи бўлмиш Шуллуктепанинг шарқи-жанубий қисмида, Қаршининг ғарбида. Мағзон ва унинг атрофидаги Кўчкак, Лағмон қишлоқлари атрофи нахшабликларнинг яйлови, ёзги яшов жойи бўлган. Қашқадарёдан сув олган. Бешкент ва унинг қуйисидаги аҳоли турар-жойларига сув Мағзон атрофидан ўтган. Мағзон номининг яратилишига доир тил маълумотлари шу.

Тўра НАФАСОВ.
Қашқадарё вилояти.

Мавзуга қайтиб

«Ушалмаган орзулар»

Ҳурматли редакция! Газетангизнинг шу йил 27 июнь сонида «Ушалмаган орзулар» сарлавҳали мақолам босилиб чиққанди. Унда Афғонистонда ҳалок бўлган Алимуҳаммад Эргашевнинг номини абадийлаштириш масаласи кўтарилган эди.

У туғилиб ўсган кўча номланмасдан олдин унга Алимуҳаммад Эргашев номи берилишини сўраб, Тошкент шаҳар Киров ноҳияси раҳбарларига мурожаат қилган эдик. Афсуски, ижроқўмдагиларнинг бемеҳрлиги туфайли бу кўча жумҳуриятимизнинг турли жойларига ўн маротабалаб қўйилган «Шифокор» номи билан аталди. Бу ерда бирор медицина муассасаси бўлса ҳам майли эди.

Мақоладан сўнг ҳам ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Ёш умрини хазон қилган байналмилалчи-жангчи хотирасига ҳурмат шуми?

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ,
Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ Д А Н: **Шу аламли сатрлардан сўнг яна бирор кўнгилга таскин берувчи сўз топиш қийин, бундай лаҳзаларда. Аммо бу масалани «Ёш ленинчи» шу билан иккинчи маротаба халқ депутатлари Киров ноҳия Совети ижроия комитети диққатига ҳавола этмоқда. Эндиги сўз ижроқўмга...**

МУШТАРИЙЛАРДАН МАКТУБЛАР

Касбим — ҳисобчи, лекин тарихга жуда қизиқаман. Яқинда Самарқанд вилояти, Нурота ноҳиясининг «Ғозғон» давлат хўжалигида бўлганимда, шу ерлик кишилар қишлоқда ҳазрат Али ва унинг ўғиллари имом Ҳасан ва имом Ҳусайнлар дафн қилингани, уларнинг қабрлари борлигини айтишди. Ислом дунёсида пайғамбардан кейинги бу шахсларнинг ҳоклари наҳотки, шу ерга дафн қилинган! Аниқ бирор маълумот тополмадим.

Ш. ИБРОҲИМОВ,
Бухоро вилояти.

ҚАДАМЖОЛАР СИРИ

Муштарийимизнинг аниқ маълумот ола билмаганига ажабланмасак бўлади. Минг йиллик тарихимиздан, эътиқоду имонимиздан айри туширган сталинча сиёсат мевасидан ҳамон «баҳраманд» бўлаётганимиз сир эмас. Ислом дини билан боғлиқ нимаики мавжуд бўлса, унга ёрлиқлар ёпиштириш, қора чаплаш кечаги кунда ҳаммамизга эрмак эди. Шу корни тирикчиликка айлантирган зотлар қанча...

Ўн тўрт асрлик тарихимиз ислом дини билан чамбарчас боғлиқ. Ислом дини кириб келиши асрий тарқоқ Туронзаминдаги халқларни маълум маънода бирлаштирди, кўчманчилик ўтроқликка, билим маънавиятга айланди. Жаҳон тарихига олтин ҳарфлар билан номлари зикр этилган қайсики бобокалонимиз бор — у зот мусулмончиликни эътиқодига айлантирган. Рисолалар, шеъру достонлар муқаддас «Қуръон» суралари билан бошланган. Истаймизми-йўқми — шундай.

Муштарийимизни қизиқтирган саволга яқинроқ келамиз. Ўрта Осиёда ҳозирда мавжуд қабристонларнинг аксар қисми ислом дунёсида машҳур имомлар, авлиёлар, сўфийлар, ҳалифалар ва бошқа тасаввуф намояндалари номлари билан аталиши бежиз эмас. Маълумки, ислом динини бошқа давлатларга ёйишни умр мазмуни, деб билган араблар (майли, уларни босқинчи деб атай қолайлик) ўтроқлашиб, маҳаллий аҳолига аста-секин қўшилиб кетишган. Ислом дунёсига машҳур бўлган зотларнинг номларини илоҳийлаштириш ҳам шу даврлардан бошланади.

Фарғона водийсидагина эмас, жумҳуриятимиздан ташқарига донғи кетган Шоҳимардонда Ҳазрати Али дафн қилинган деган ривоят мавжуд. Бу даргоҳ кўп асрлардан буён мусулмонларнинг муқаддас қадамжоси бўлиб келгани сабаби шу. Шунингдек, қурайш қабиласининг ҳошимийлар хонадонидан бўлган, Муҳаммад пайғамбарнинг амакиваччаси ва куёви, ислом дунёсида «хулафо ар-рошидин», яъни «тўғри йўлдан борган ҳалифалар» ёки «чорёрлар» деб аталган дастлабки тўрт ҳалифанинг тўртинчиси — ҳазрати Али (асл исми шарифи — Али ибн Абу Толиб) дафн қилинган деб сиғинувчи қадамжолар Ўрта Осиёда ва Эронда талайгинадир. Аслида ҳазрати Али 661 йилда уммавийлар томонидан ўлдирилган ва Мадинага дафн қилинган.

Хоразм вилоятининг Шовот ноҳиясида Юсуф Ҳамадоний номи билан боғлиқ қадамжо мавжуд бўлиб, у диндорлар сиғинадиган гўшага айланган. Эронлик машҳур шоир, тарихчи, олим ҳеч қачон Ўрта Осиёда бўлмаганлиги маълум. У ўзи туғилган Ҳамадон шаҳрида дафн қилинган. Лекин, исломга эътиқоди зўр бўлган бу зотнинг номи бутун ислом дунёсида муқаддаслаштириб юборилган ва кўплаб қадамжоларда унга нисбат берилган.

Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти ҳудудидаги Султон Вайс бува, Норинжон бува каби қадамжолар ҳақида ҳам шу фикрни билдириш мумкин. Исломда авлиё даражасига кўтарилган бу зотларнинг бирортаси ҳоки тупроғимизга дафн қилинмаган. Лекин...

Шу ўринда эслатиб ўтиш жоиз, ўша даврлардаги одатга кўра, етти иқлимга донғи кетган улуғ зотлар — авлиёлар, имомлар, сўфийлар вафот этганида барча эл-элатлардан жанозага уларнинг муридлари, мўмин-мусулмонлар вакиллари келиши табиий ҳол ҳисобланган. Бундай пайтда фоний дунёга равона бўлган табаррук зотнинг ҳокига даъвогарлик қилувчи муридлари, шогирдлари ҳам сон-саноқсиз топилган. Қадимий диний китобларда ёзилишича, машҳур сўфий Султон Вайс бува вафот этганида, етти иқлимдан муридлари етиб боришган ва ўз пирлари ҳокини олиб кетишга даъво қилишган. Ўшанда антиқа ва мақбул йўл танланган. Бир хилдаги етти тобут ясалган. Бу тобутларнинг фақат биттасида (одатда қайсисида эканлигини билишмаган ҳам) марҳум жасади солиниб, қолганларида марҳум оғирлиги, кўринишига тенг келадиган бошқа жасад ёки буюм бўлган. Жаноза ўқилиши билан маросимга кадхудолик қилувчи киши тобутларни кўрсатиб, «Қани танлаганингизни олинг!» деб буйруқ берган. Муридлар пири жасади бор-йўқлиги гумон тобутни елкага олиб юртларига равона бўлишган. Баъзида даъвогарлар сонига қараб тобут сони ҳам ошиб борган... Худди шу усулда дафн қилинган муқаддас зотлар ҳақида «у фалон ерда ётибди» деб ҳукмий гап айтиш қийин. Бир зотга ўнлаб мамлакатларда, ўнлаб қадамжоларда сиғинишнинг келиб чиқиши тарихи ҳам шу. Биз Султон Вайс бува ўлими билан боғлиқ ривоятни айтишдан мақсадимиз, бу усул бошқа бир қатор табаррук кишилар ўлимида ҳам қўлланилган бўлиши мумкин демоқчимиз.

Имом Ҳасан — Али ибн Абу Толибнинг ўғли. Муҳаммад пайғамбарнинг қизи Фотимадан туғилган. Иккинчи шиа имоми, 661 йилда отаси ўлдирилгач, унинг тарафдорлари имом Ҳасанни Ироқда ҳалифа деб эълон қилишади. Ҳалифа Муовия ҳокимиятига қарши кураш олиб боради ва кейинчалик тахтдан воз кечиб, Мадинага кўчиб боради ва бутун умрини тоат-ибодатга бағишлайди. 669 йилда заҳарлаб ўлдирилган ва Мадинада отаси ёнига дафн қилинган.

Имом Ҳусайн — имом Ҳасаннинг укаси. Учинчи шиа имоми. 669 йилда имом Ҳасан ўлгач, Али тарафдорлари уни ҳалифа деб эълон қилишган. 680 йилда ҳалифа Муовия ўлгандан сўнг, Ироқда уммавийларга қарши ҳаракат кучайган бир пайтда, Куфа шиалари уни ўзларининг ҳалифаси деб тан олиб, Куфага таклиф этишади. Алдовга учган Ҳусайн 70 нафар йигити билан Маккадан Куфага жўнайди ва Карбало чўлида ҳалифанинг икки минг кишилик қўшинига рўпара келади. 680 йил 10 октябрь куни шу ерда ўлдирилган ва жасади ўша ерга дафн қилинган. Шиаларда Карбало дашти муқаддас жой сифатида тилга олиниши шундан.

Кўриниб турибдики, агар юқоридаги мавжуд расм-русумларни эътиборга олганимизда ҳам, ҳазрати Али ва унинг икки ўғли — имом Ҳасан ва имом Ҳусайнларнинг Ўрта Осиёдаги бирор гўшага дафн этилиши тарихий ҳақиқатга, мантиққа тўғри келмайди.

Эслатма: муштарийимиз саволи асосида кичикроқ мақола ҳозирлаш тўғрисидаги топшириқни бажариш осон кечмади. Катта-катта жилдли Қомусномаларда ҳам турғунлик даврининг «қўғирчоқ қаҳрамонлари», «имонсиз маддоҳлари» ҳақида узундан узоқ ҳикоялар берилгани ҳолда, ислом дини тарихи билан боғлиқ бўлган неки зот борки, ёки тушириб қолдирилган, ёки шунчаки эслатиб ўтилган. Жуда иложи топилмаганда ўша зотларнинг ҳаёти, фаолиятига бир ёқлама баҳо берилган. Ҳайрият деб гапирамиз, қайта қуриш шарофати туфайли узоқ йиллар сир сақланган мавзулар калити аста-секин асрлик зангидан ажратилиб, тарихимиз қулфи очилмоқда. Айрим рўзнома ва нашрларда умид уйғотувчи мақолалар пайдо бўлаяпти.

Рўзимбой ҲАСАН.

ХАЛҚ ЭЪЗОЗИДАГИ РЎЗНОМА

Биз илгарилари жумҳуриятимиз газеталаридан асосан «Совет Ўзбекистони»га обуна бўлардик. Кейинги йилларда «Ёш ленинчи»ни ўқимайдиган бирорта киши қолмади, десам хато бўлмас. Ҳатто уни алоқа бўлимига бориб оладиганлар ҳам кўпайиб кетди. Чинакам ленинча йўлдан бораётган севимли матбуотимизнинг ҳар бир сонида асосан халқ дилидаги, қалбидаги долзарб муаммолар ошкора айтилмоқда. Шунинг учун ҳам қишлоғимиздаги катта-ю кичик унга чин дилдан обуна бўлди. Халқининг дардига қулоқ тутган матбуот кам бўлмайди.

«Ёш ленинчи» ходимларига 1990 йилдаги хайрли ишларида юксак омад тилаймиз.

Айитбой ҚУРБОНОВ,
Элликқалъа ноҳиясидаги «Москва» совхози ишчи, хизматчилари номидан.

МИННАТДОРЧИЛИК

ДИЙДОР КЎРИШДИК

«Мен 1924 йилда Қўқон шаҳрида туғилдим. Биз 1925 йилда отам Мурод Муҳаммедиев ва онам Фотима Йўлчиева уч киши Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳри Молгаждар кўчасига кўчиб келдик. Кейин 1929 йилда укам Аҳмад Муродов ва 1931 йилда синглим Сабоҳат туғилди.

1932 йили отам ва онам ўзаро келишмовчилик сабабли ажралиб кетишди. Онам ва кичик синглим Сабоҳат иккаласи шу йили Бухоро шаҳрига кўчиб кетишди. Мен ва укам Аҳмад отамнинг қўлида қолдик. Отам билан биз Қамаши ноҳияси «Қизил трактор» колхозининг Кўса қишлоғига кўчиб бордик. Шундан бери онам ва синглимни излайман».

Бу сатрлар газетамизнинг 1989 йил 10 ноябрь сонида босилган Сора Қудратованинг «ДИЙДОР КЎРИШСАМ» сарлавҳали мақоласидан олинди.

Яқинда Сора Қудратовадан қуйидаги мазмунда қувончли хат олдик.

«1932 йилдан буён бедарак йўқолган, ҳозирги вақтда Бухоро шаҳри, Республиканская кўчасидаги 30-уйда яшовчи синглим Сабоҳат Фозилованинг топилишига ва дийдор кўришишимизга амалий ёрдам кўрсатганликлари учун «ЁШ ЛЕНИНЧИ»га чин қалбимдан, фарзандларим ва барча қариндош-уруғларим номидан чексиз миннатдорчилик билдираман».

ШИФОКОРЛАР ДАРДИ

Тошкентдаги 5-болалар касалхонаси яқинда 30 ёшга тўлди. Бу ерда ошқозон-ичак юқумли касалликлари даволанади. Нафақат Тошкентдан, балки жумҳуриятимиз вилоятлари ва Қозоғистондан келган юзлаб болалар дарддан фориғ бўлиб қайтишяпти. Зинаида Пошенко, Майя Любецкая, Сайёра Мирсаидова, Надежда Расулова, Марғуба Раҳматова, Робия Тиловова сингари тажрибали врачлар ота-оналар таҳсинига сазовор бўлишяпти. Юлдуз опа Абдуллаева, Шоҳида Тайманова, Мавлуда Мамунтоева, Рашида Умарова сингари ҳамширалар гўдакларнинг сўлғин юзларига қувонч қайтиши учун ҳаловат билишмаяпти. Улар дард азобида тўлғонаётган болаларни ҳар куни кўришади, ота-оналарнинг илтижоли кўзларига ҳар куни тикилишади. Аммо буларни кўрмайдиган, ҳис этмайдиганлар ҳам бор.

— 1966 йили зилзила пайтида касалхонамизнинг олдинги биноси бузилиб кетган, — дейди бош врач Баҳодир Дадамуҳамедов. — Шу сабаб бу ерга шошилинч кўчилган. Аслида ҳозирги бино лойиҳалаш институтига мўлжалланган эди. Унинг қаватларини касалхонага мослаштириш учун анча иш қилинди. Бироқ касалхонамиз 440 ўринли. Келаётганларнинг ҳаммасини қабул қилолмаяпмиз. Ичак касалликлари эса ёз ва куз ойларида, айниқса, кўпаймоқда.

Бизда «Ҳамма яхши нарсалар — болаларга!» — деган шиор бор. Амалда эса бошқача бўлаяпти. Ошхона ва кир ювиш хоналари талабга мутлақо жавоб бермайди. Биринчи корпуснинг 2-қавати хоналари ҳам касалхонага мослаштирилиши керак. Унинг ремонти ўтган йили тугаши лозим эди. Афсуски, «Ташремстрой» тресги раҳбарияти шу пайтгача 1000 квадрат метр ўрнига, атиги 100 квадрат метр ремонт ишлари бажарилганлигига лоқайд қараб келишмоқда.

Бош врач куюниб касалхона муаммолари ҳақида гапирди. Ҳамкасблари унинг сўзларига қўшилишди. Бироқ шифокорлар дардларини қурувчилар тушунишмаяпти. Буни тушуниш учун касалхонада инграб ётган болалар, дарвоза олдида кўзлари жовдираб ўтирган ота-оналарни кўриш, улар юрагидаги оғриқни ҳис этиш керак.

О. САФАРОВ.
Сурат муаллифи Б. ХОЛМИРЗАЕВ.



«Алданиб қолгон ёмон»

Ассалому алайкум, «Ёш ленинчи» газетаси ходимлари. Биз шу йил сизларга «Бизни ўйлантираётган муаммолар» сарлавҳали шикоят хати юборган эдик. Сизлардан 10 апрелда ушбу хатга жавоб олдик. Хатда кўрсатилишича ушбу шикоят хатини текшириш учун халқ депутатлари Пайариқ ноҳия Совети ижроия комитети раисига юборган экансизлар. Яқинда ушбу хат юзасидан ноҳия Совети ижроия комитетининг раиси С. БОЙЗОҚОВ имзоси билан жавоб хати олдик.

Хатда кўрсатилишича шикоят хатини жойида текширишган эмиш. **«...Шу кунларда «Каттақўрғон—Накурт», «Самарқанд—Накурт», «Нариманов—Накурт» автобуслари Накурт марказигача график асосида қатнаяпти. Бундан ташқари совхозга қарашли автобус Накурт участкасининг юқори қишлоқлари аҳолиси учун хизмат қилмоқда»**, деб жавоб берибди. Накурт марказининг юқори қисмидаги қишлоқлар 15 километргача чўзилган бўлиб, бу қишлоқларда 200—250 хўжалик оила истиқомат қилади. Хатда **«совхоз марказидан шу кунларда юқоридаги қишлоқлар учун автобус хизмат қилмоқда»**, дейилибди. Бизга ҳеч қандай автобус хизмат қилган эмас. Эски ҳаммом, эски тос.

Ўн беш километр йўлни пиёда босиб юрибмиз. Шу йўлларнинг 10 километригача автобус қатнаса ҳам, рози эдик. Қолган 5 километрини пиёда ҳам босиб ўтавердик.

«Накурт участкасининг юқори қисмида жойлашган аҳоли учун йўл қурилиши лойиҳа—смета ҳужжатлари тайёрланмоқда», деб жавоб берибди. Бу фақат қоғозда қолиб кетаётган гап. Амалда йўқ.

«Аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида лагерь ва санаториялар очиш, ғишт заводини ўрганиб, таклиф бериш совхоз дирекциясига топширилган» эмиш. Совхоз дирекциясига топширилган экан, ишонч билан айтамизки бу нарсалар умуман бўлмайди. Бу фақат матбуотни чалғитиш, холос.

«Қишлоқ марказида 250 ўринли клуб биноси капитал ремонт қилинмоқда» деб ёзибди. Умуман ремонтга қўл ҳам урилгани йўқ. Клуб бўлармиш деган бино, қулай-қулай, деб турибди.

«Қишлоқ хотин-қизларининг уйларига буюртма олиб ишлашлари ноҳия маиший хизмат бошқармаси ва Кўлтўсин қишлоқ Совети ижроия комитетига топширилган» эмиш. Ноҳия маиший хизмат бошқармаси, қишлоқ Совети ҳам ҳеч бир оилага келиб, бу хусусда суҳбатлашгани йўқ. Ушбу ёзилган шикоят хатидан фақат битта маиший хизмат уйи ва янги шифохона биноси қурилиши бошлаб юборилди.

Ҳозирги қайта қуриш, ошкоралик даврида жумҳурият матбуотини алдаб, жавоб берган раҳбарлардан нима яхшилик кутиш мумкин. Яна бу раҳбарлардан партия ва ҳукуматимиз умидвор. Биз севимли газетамиз «Ёш ленинчи»нинг ёрдами тегар, деган умидда эдик. Афсус...

«Яхшидур аччиқ ҳақиқат.
Лек ширин ёлғон ёмон.
Шу ширин ёлғонга лекин,
Алданиб қолгон ёмон»

деганларидек ноҳиямиз раҳбарлари халқни алдаб келгани етмаганидек, энди совет матбуотини ҳам алдашга ўтибди-да? Биз бунга йўл қўймаймиз.

Салом билан: Баҳодир УЛУҒОВ,
Пайариқ ноҳиясидаги Киров номли совхозининг 3-бўлим меҳнаткашлари номидан.

БРЕЖНЕВ ВА СЎНГАН УМИДЛАР

Фёдор БУРЛАЦКИЙ.

СИЁСИЙ РАҲНАМОЛИК ТАБИАТИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Ҳар ҳолда ҳеч бўлмаганда норозилик туғдирмасди. Унинг кўп соҳалардан бехабарлигининг ўзи ҳам худонинг марҳамати эди: унинг тажрибасизлиги аппарат ходимлари учун кенг имкониятлар яратган эди. Аҳмоққа чиқиб қолган, фақат ҳаммадан ўзини ақлли билган Шелепин бўлди. У ўз мартабасидан бир қадам ҳам юқорига кўтарилмади, нафақат Брежнев, ҳатто Суслов, бошқа раҳбарлар ҳам унинг яккаҳокимликка бўлган интилишларини сезиб қолишганди.

Катта сиёсатда ҳам бошланғич партия ташкилотларида тез-тез учраб турадиган ҳодиса юз берди — кўпинча партком секретарлигига энг фаол, дадил ва тажрибали ходимни эмас, аксинча, энг ишончли, ҳеч кимни доғда қолдирмайдиган, ҳеч кимга озор бермайдиган кишини сайлашади. Агар ўшанда Брежнев раҳбарликда 18 йил туради, деса, афтига қараб кулишган бўларди. Ўша пайтда бунга ишониш қийин эди.

КПСС Москва комитетининг ўша пайтдаги биринчи секретари Н. Г. Егоричев раҳбарлардан бири билан суҳбатлашаётиб, Леонид Ильич, албатта яхши одам, лекин у шундай улкан мамлакатнинг раҳнамолигига ярармиди, деганида, эҳтимол, ҳамманинг умумий кайфиятини ифодалаган эди. Бу гапни КПСС МК Пленумларидан бирида Брежнев масъул бўлган ҳарбий сиёсатни очиқ танқид қилганига қўшилиш унга қимматга тушди. Кутилаётгандай Марказий Комитет секретари бўлиш ўрнига у қариб 20 йил Данияда элчи бўлиб ишлади.

Айни пайтда мамлакат тараққиёт йўлларини белгилаш учун кескин баҳслар авжига чиқаётганди. Биров, аввалроқ айтганимиздай, сталинча йўл-йўриққа қайтишга ундарди. Бошқа бир йўлни Андропов таклиф этди. Унинг лўнда программаси Сталинга қарши бўлган XX съезд қарорлари йўлидан Хрушчев давридагидан изчилроқ боришни кўзда тутарди. Ўша пайтдаёқ «Правда» учун тайёрланган редакцион мақолада («Бутун халқ ҳокимияти» 1964, 6 декабрь) умумий шаклда баён қилинган бу ғояларни бугун тиклаш қийин эмас.

Мана: 1) иқтисодий ислоҳот; 2) замонавий илмий бошқарувга ўтиш; 3) демократия ва ўз-ўзини бошқаришни ривожлантириш; 4) партия фаолиятини сиёсий раҳнамоликка йўналтириш; 5) бемаънидарча ракета-ядро қуроли кўпайтирилиши мусобақасини тўхтатиш ва СССРни янги технологияни ўзлаштириш учун жаҳон бозорига чиқариш.

Бу программани Андропов Брежнев ва Косигинга уларнинг 1965 йилги Польшага сафари пайти баён қилган эди. Унинг баъзи томонлари қувватланди, бироқ бутунича у турлича сабабларга кўра Брежневга ҳам, Косигинга ҳам маъқул келмади. Тўғри, Косигин иқтисодий ўзгаришларни қўллаб-қувватланган ҳолда, XX съезднинг «ҳаддан ошган» томонларидан кечиб, Хитой билан муносабатларни тиклашни талаб қиларди.

Брежневга келсак, у ўз муносабатини баён қилишга шошилмади. КПСС МК Президиуми, партия Марказий Комитетидаги кучларнинг муносабатига нигоҳ солиб юрди.

Андроповнинг жасур қадами унинг ўша пайтда Марказий Комитет секретарлиги вазифасидан СССР Давлат Хавфсизлик Комитети Раиси лавозимига ўтишида етарли роль ўйнаган бўлса керак. Бу ерда турли кучлар бирлашганди. Суслов ўз ўрнидан хавфсираб, Андроповни анчадан буён ёмон кўрарди. Косигин Хитой билан муносабатларни тез тиклашга умид қилар ва Совет-Хитой келишмовчилигининг қатнашчисини бўлим раҳбарлигидан четлатишни хоҳларди. Учинчи томондан, Брежнев КГБга ўз кишисини қўйишга, Хрушчевни боплаган Семичастнийнинг «ҳазили»га ўхшаш хийлалардан ўзини хавфсизлантиришга интиларди.

Брежнев ўзининг муросанинг устаси эканини зоҳир этди: Суслов ва Косигиннинг ҳам айтганини қилди, айни пайтда Андроповни КПСС МК Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатликка, кейин эса Сиёсий Бюро аъзолигига сайлашни таклиф этди.

Шундай қилиб, Брежневнинг сиёсий раҳбар сифатидаги асосий белгиси намоён бўлди. Жуда эҳтиёткор, ўзининг кўтарилиши йўлида бирор бир қалтис қадамни қўймаган, «шамолпаррак» раҳбар» сифатида Брежнев аввалдан ўртачилик мавқеини эгаллаб келди. У на у томонга, на бу томонга оғиб кетарди — на XX съезд қарорлари руҳида программа қабул қилди, на янгича сталинчиликни йўлга қўйди. Тўғриси, бу ерда у Лениндан сўнг пайдо бўлган анъанага содиқ қолди. Сталин ҳам ўртачилик, муросасозлик билан ҳокимиятни олганини ҳамма ҳам билмаса керак. У Каменев ва Зиновьев билан бирлашиб, «сўлчи» Троцкийга қарши турди. Кейин Молотов, Микоян ва бошқалар билан «ўнгчи» Бухаринга қарши бўлди. Фақат 20-йиллар охирига келиб — асосан шахсий ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун — сўлларча «юқоридан инқилоб қилиш» ва террор программасини амалга ошира бошлади. XX съезддаги яширин нутқида ёқасини йиртиб, кўкрагига урган Хрушчев ҳам 1956 йил венгр ҳодисаларидан кейин ўртачиликка оға бошлади. Москвадаги Хитой элчихонасида нутқ сўзлаб, Сталинни «буюк марксчи-ленинчи» деб атади, сўнгроқ шахсга сиғиниш танқидини қўллаб-қувватлаган зиёлилар билан ғижирлашиб қолди ва ҳоказо. Тўғри, уни табиати яна қалтис қарорларга томон судраб кетиб турди. Беқарорлик ва пала-партиш характерлари учун у 1964 йилнинг октябрида тўла товон тўлади.

Брежневнинг масаласи бошқача эди. Табиати, маълумоти ва нуфузининг характери бўйича у область миқёсидаги анъанавий арбоб эди. Тузуккина ижрочи эди. Даҳо эмасди, йўқ. йўқ... Шунинг учун у кўп нарсани Сталиндан олган, озроқ Хрушчевдан ҳам ўрганган эди.

* * *

Ҳар ҳолда, ғалабанинг 20-йиллигига тайёрланган нутққа қайтайлик. Чунки айнан ўша пайтда Брежнев даврининг характерини белгилайдиган тарихий йўл танланган эди. Шелепиннинг «диссертацияси»дан воз кечилган, кўпчиликнинг уринишлари натижасида Хрушчев даврининг принциплари, ғоя ва йўналишларини, изчил бўлмаса-да давом эттирадиган нутқ варианти тайёрланган эди. Брежнев бизни хонасига таклиф қилди, ҳар хил бўлим вакилларини узун столнинг икки томонига ўтқазиб, текстни овоз чиқариб ўқишни сўради.

Шунда биз брежневона усулнинг яна бир қиррасини ногоҳон билиб олдик: у ўқишни ёқтирмас, ёзишга эса тамоман тоқати йўқ эди. Ҳамма хабарларни, шунингдек ўз нутқ ва маърузалари матнини эшитиб кўрар эди. Хрушчев эса одатда у ёхуд бу чиқишлари олдидан қандайдир зарур фикрларини таъкидлаб айтар эди. Брежнев ҳеч қачон бундай қилган эмас.

Нутқ матнини ўқиш анча силлиқ ўтди. Аммо аён бўлдики, асосий жанг ҳали олдинда экан нутқ матни, одатдагидай, Президиум аъзолари ва КП МК секретарларига тарқатилди. Менга тушган таклифларни умумлаштириб, мўъжазгина якуний шарҳ тайёрлашни топширишди. Раҳбарият аъзоларининг кўпчилиги Сталин характеристикасини ижобийлаштиришни кучайтириш тарафдори эди. Баъзилар ҳатто катта-катта текстлар ёзиб, қўшимча илова қилдилар, бу иловаларда Сталин ғоявий душманларни фош қилгани, социализм ғалабасини таъминлагани, ленинча индустриаллаштириш ва коллективлаштиришни амалга оширгани, маданий инқилоб қилгани ва бу Улуғ Ватан урушидаги ғалабага ва социалистик лагернинг

4

барпо бўлишига олиб келгани таъкидланарди.

Бундай нуқтаи назар тарафдорлари нутқ текстидан «шахсга сиғиниш даври» иборасини олиб ташлашни талаб қилдилар. Бу талабни ҳаммадан кўп Суслов, Мжаванадзе ва Шелепин каби айрим ёш раҳбарлар ҳимоя қилдилар. Бошқалар, масалан, Микоян ва Понамарёв тўғридан-тўғри 1956 йил 30 июндаги «Шахсга сиғиниш ва унинг оқибатларини тугатиш ҳақида»ги қарордан олинган ибораларни киритишни таклиф қилдилар.

Алоҳида фикрни Андропов билдирди. У нуқтда Сталин ҳақидаги масалани четлаб ўтишни, фикрларнинг қарама-қаршилиги ва раҳбариятда юзага келган кучлар муносабатини ҳисобга олиб, умуман унинг номини тилга олмасликни таклиф этди. Юрий Владимирович Сталин масаласи раҳбариятни, бошқарув аппаратини, борингки бутун партия ва халқни ажратиб қўяди, деб ҳисобларди.

Брежнев ниҳоят Андропов таклиф қилганига яқинроқ йўлни танлади. Ғалабанинг 20 йиллигига қилинган нутқда Сталиннинг номи фақат бир марта тилга олиб ўтилди, холос.

Шелепиннинг тарафдорлари ўз даҳоларининг нафсонияти ва режалари ҳақида жар сола бошладилар. Шелепиннинг Монголияга сафари пайтида унинг яқин дўсти, комсомол Марказий Комитетининг собиқ секретари Н. Месяцев Ю. Цеденбал ҳузурида ҳақиқий биринчи — айнан у, Шелепин эканини гапириб, мақтана бошлади ва етарли устамонлик билан «улуғ мақсадга тайёрланган» қўшиғини хиргойи қила бошлади.

Цеденбал кечиктирмасдан Москвага хабар қилди. Ҳамтовоқлари орасида ақллиси бўлган Шелепин қайтишда Иркутскда махсус тўхтаб, обкомда нутқ сўзлади ва Брежневнинг ролини намойишкорона таъкидлаб ўтди. Бироқ энди кеч бўлган эди. У «майдонга тушиб қўйган», ҳамма унинг режаларини англаб қолган эди. Икки раҳбар ўртасида узоқ давом



этган айёрона, серташвиш, яширин кураш бошланди ва охир-оқибат Брежневнинг қўли устун келди. Брежневнинг: «Менинг кучли томоним — ташкилотчилик ва психология!» деган гапининг баҳосини ўшанда англадим. Сиёсатда жиловсиз қудратни хотиржам тиришқоқлик адо қилиши яна бир бор аён бўлди.

Ҳокимият тепасига келган илк даврда Брежнев ўз иш кунини ғалати бошларди — камида икки соатни юқори раҳбариятнинг бошқа аъзоларига, иттифоқдош республикалар Марказий Комитетлари ва обкомларнинг айрим нуфузли раҳбарларига қўнғироқ қилиш билан ўтказарди. Гап, одатда бир маромда бўларди Мана дейлик, Иван Иванович, биз бу ерда бир масалани тайёрлаяпмиз. Сен билан маслаҳатлашиб, фикрингни билай, дедим.. Айни вақтда ўша Иван Ивановичнинг қалби қандай ғурурга тўлганини, юраги дукурлаб урганини тасаввур қилиш мумкин. Шундай қилиб Брежневнинг обрўйи тикланиб борди. Унинг ҳақида босиқ, хотиржам, фаҳм-фаросатли, дўстларидан маслаҳатсиз бир қадам ҳам қўймайдиган, бағри кенг раҳбар сифатида тасаввур шаклланади.

Марказий Комитет секретариати ёки Президиуми мажлисларида у ҳеч қачон биринчи бўлиб гапирмасди. Гапиришни истаганларнинг ҳаммасига сўз берар, диққат билан эшитар, агар якдиллик бўлмаса, масалани четга суриб қўяр, пишитиб, ҳамма билан маслаҳатлашиб янги муҳокамага олиб чиқарди. Айнан унинг қўл остида қарорларнинг бутун маъносини йўққа чиқарадиган, бажарилишини тўхтатиб турадиган серташвиш келишувлар, ҳужжатларга ўнлаб имзолар қўйишлар амалиёти авжига минди.

Кадрлар масаласини ҳал қилишда Брежнев бутқул тескари йўл тутарди. Агар кимнидир қўйишга ўзи манфаатдор бўлса биринчи бўлиб имзо қўяр, сўнг айтганини қилдирарди. У сталинча: кадрлар ҳамма нарсани ҳал қилади, деган ақидани ўзига яхши сингдириб олган эди. Бирин-кетин тинч ва деярли сезимсиз у мамлакатдаги обком секретарларининг ярмидан кўпроғини, министрларнинг кўпчилигини, жуда кўп марказий-илмий корхоналар раҳбарларини алмаштиришга муваффақ бўлди. Ленин ва Давлат мукофотларини тақсимлашда сўнгги сўз уники эди. Брежнев умуман ишлаб чиқаришдан кўра тарқатиш, тақсимот билан шуғулланишни хуш кўрар эди. Бу ишни у маромига етказар, орден билан тақдирланган, айниқса Социалистик Меҳнат Қаҳра-

5

мони бўлган кишиларга қўнғироқ қилиб, табриклаб қўйишдан, шу билан бу ишда ўзининг қўли борлигини унвондорга билдириб қўйишдан эринмасди.

Агар брежневона услуб ҳақида гапириш мумкин бўлса, унинг мағзи айнан шундадир. Бу услуб соҳибларининг иқтисодий, маданий ва сиёсий соҳанинг кенг кўлами масалаларини ҳал этишга уқувлари йўқ, аммо кимни ва қаёққа тайинлаш, кимни, нима билан, қачон тақдирлашни жуда яхши билишади. Леонид Ильич раҳбарлик курсиларига — партия ташкилотлари, иқтисод, фан, маданият раҳнамолигига — шундай услуб тарғиботчилари, «майда брежневчалар», бамайлихотир, қўйкўз, ўртамиёна, на у ёқлик, на бу ёқлик раҳбарчаларни, ишнинг бориши билан қизиқмайдиган, аммо қийматларни билағонлик билан тақсимлайдиган хўжайинчаларни қўйиб чиқиш учун кўп тер тўкди.

Доимо раҳбариятдаги кўпчиликка оғадиган «шамолпаррак» раҳбар» тақсимотчи билан уйғунлашиб кетди. Бу бизни, аскарбошиларни қўмондонликка эмас, солиқ ундиришга жўнатадиган Пётргача бўлган рус давлатчилиги анъаналарига қайтарди.

XX съезд одамлари ёхуд янгича жасур одамларни 30-йиллардагидай отиб юбораверишмади. Уларни секин-аста четга суришди, қисишди, чеклашди, эзишди. Ҳамма жойда «ўртачи»ларнинг — унчалик аҳмоқ ё буткул ландовур бўлмаган, бироқ тайин истеъдодсиз, курашчанликдан маҳрум эътиқодсизларнинг қўли баланд кела бошлади. Улар бирма-бир партия ва давлат аппарати, хўжалик ва ҳатто илм-фан ва маданият раҳбарлиги лавозимларини эгаллаб олдилар. Ҳамма нарса юзсизлашиб, улар ҳолатга тушди. Мулла қандай бўлса, муллавачалар ҳам шу...

Буни Брежнев жуда яхши биларди. У бир нарсада ҳақиқий уста эди —

(Боши ўтган сонда).

ҳокимиятнинг иссиқ кўрпасига сабр-тоқат билан ўраниб борарди. Бу ишда унинг тенги йўқ эди. Бунинг устига у буни ҳеч ким билмас қилиб, кескин қисувларсиз бажарарди. Ўзи билаги билан биқинига секин туртиб, скамейка четидан суриб тушириб юборган кишиларнинг тагига пичан ҳам тўшаб қўйган бўларди. Днепропетровсклик, молдавиялик ва қозоғистонлик думларини жойлаштириш учун курсилар керак эди. Ҳамма муҳим лавозимларга у ишончли, чув тушириб қўймайдиган кишиларни қўйиб чиқди. Шундай қилиб, КПСС Марказий Комитети Президиумидан, Сиёсий Бюросидан Подгорний, Воронов, Полянский, Микоян йўқолдилар. Украина партия ташкилотининг раҳбари Шелестнинг ҳеч қандай шовшувсиз, белгисиз эътибордан четда қолгани эсингизда бўлса керак. У Сиёсий Бюро мажлисида қандайдир масалада бор-йўғи бир гапни айтган: Украина партия ташкилоти бу қарорни қўллаб-қувватламайди.

«Пичан тўшаб қўйиш»га келсак, мана — қизиқарли факт. Н. Г. Егоричев Москва партия ташкилоти секретарлигидан четлатилганидан сўнг, Леонид Ильич унга қўнғироқ қилиб, шунга ўхшаш гап қилади: «Сен энди бизни кечиргин, шундай бўлиб қолди... Уй-рўзғорингда, бошқа ишларингда бирор қийинчилик йўқми?» Яқиндагина қизини эрга берган, куёви билан қизи боласи билан уйсиз қийналаётган Егоричев бу ҳақда Брежневга айтишдан ўзини тиёлмайди. Хўш, нима бўлди, деб ўйлайсиз? Бир неча кун ўтмай ёш оила уйлик бўлди. Брежнев ҳеч кимнинг кўнглини қолдиришни истамасди. Агар у санъатдан хабардор одам бўлганда унга оч ранглар, оқ ё қизил, яшил ё қўнғирми, ишқилиб хира ярим тусли тасвирлар ёққан бўларди... У ўз ҳамтовоқларини тез-тез уй билан таъминлаб турарди. Нима дейсиз? Уй-жой тақсимлаётган АҚШ президентини тасаввур қила оласизми?..

Шундай қилиб, Брежнев мамлакат тараққиёти бўйича ўз программаси йўқлигича ҳокимият тепасига ўтирди. Бундай ҳол, яъни инсон ҳокимиятни ҳеч бир режа-плансиз қўлга олиши ҳозирги замон сиёсий тарихида жуда кам учрайдиган ҳодисадир. Аммо Мао Цзедун ибораси билан айтганда, бу истаган хатингни битаверадиган тоза қоғоз варағи ҳам эмасди. У ўта анъанавий, боқибеғам одам сифатида, ҳаммадан кўп кескин ҳаракатлар, туб бурилишлардан, улкан ўзгаришлардан хавфсирарди. Хрушчевни бошбошдоқлик ва чўрткесарликда айблаб, аввало у бошлаган кескин ўзгаришларни тўхтатди, Сталин даврида синовдан ўтган тамойилларни тиклашга уринди. Биринчи навбатда совнархозларни ва партия органларининг саноат ва қишлоқ хўжалиги бўйича бўлинишларини (хрушчевона ошкораликнинг ўзига хос шакли) йўқ қилди, ўшанда бу бошқарув аппаратининг ғашини келтирган эди. Ўз иродасига қарши узоқ-яқин вилоятларга жўнаган улкан раҳбарлар Москвадаги ўз иссиқ жойларига қайта бошладилар. Кадрлар алмашуви ғояси секин, билдирмай йўққа чиқарилди. Унга қарши муқимлик шиори қарор топди — бу ҳар қандай мансабдорнинг орзуси эди. Брежнев сталинча қувғин-қирғинларга қайтмади, лекин ғайри фикрли кишиларни боплаб четлатди.

Хрушчевнинг мактабни политехниклаштиришга даъвогар ўнбир йилликлари ўрнига яна ўн йилликларга қайтилди. Деҳқонлар улардан тортиб олинган томорқаларига яна эга бўлдилар. Маккажўхори дабдабаси, унга қўшилиб Лисенко ҳам мозий қаърига кетдилар. Аста-секин қўриқни ўзлаштириш ўрнига марказий ноҳиялар деҳқончилигига зўр бериш пайдо бўлди. Колхозчилар пенсия билан таъминландилар, колхозларда ишловчилар учун қуйи маош миқдорига кафолот бериб қўйилди. Мажбурий топшириқлар ҳажми камайтирилди, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини юқорироқ нархда сотиб олиш кўпайди.

Қишлоқ хўжалигидаги бу тадбирларнинг барчаси Хрушчев давридаёқ белгиланган эди. Ислоҳотчиликнинг сўнгги чақноғи 1965 йилги сентябрь Пленуми бўлди. Унда Косигин ташаббуси билан хўжалик ислоҳоти таклиф этилди. Ислоҳот асосига 1962 йилнинг сентябридаёқ харьковлик профессор Е. Либерманнинг «План, даромад, мукофот» мақоласи баҳонасида бошланган баҳслар олинган эди. Бу ғоялар кейинчалик В. Немчинов, В. Новожилов, Л. Конторович каби буюк совет олимлари чиқишларида ривожлантирилди. Октябрь тўнтариши арафасида, 1964 йилнинг августида Хрушчев таклифи билан олимлар ишлаб чиққан янги хўжалик тартиби Москвадаги «Большевичка» ва Горькийдаги «Маяк» фабрикаларида жорий этилганди. Хрушчевнинг «ўз хоҳишига кўра» пенсияга кетишидан бир неча кун ўтар-ўтмас бу тажриба бошқа кўпгина корхоналарда жорий этилди. Унинг натижасидан илҳомланган Косигин эса 1965 йил сентябрь Пленумида маъруза қилди.

Айтиш керак, Брежнев бу «хийла»га унча ишонқирамай қаради. У ислоҳотнинг мағзини чақиб ҳам кўрмасдан, ички бир сезги билан сталинча индустрлаштириш даврида унинг назарида ажойиб ҳосилалар берган усулларга кўпроқ таянарди. Унинг Косигинга нисбатан ҳасади ҳам бор эди, чунки Улуғ Ватан уруши давридаёқ обрў топган, кўҳна раҳбарлардан бири, Брежневдан ҳамма томондан кучлироқ эди-да.

Ҳасад — аппаратга хос тушунча, мансабпарастликда «адоват» сўзининг бир шаклидир. Бу тушунча бу ерда ўзига хос заминга эга. Амалнинг бир хил поғонасида ўтирган кишилар шерикларидан бири бир қадам бўлса ҳам олдинроқ ўтиб кетмаслиги учун хушёр кўз тикиб ўтирадилар. Шунинг учун уларнинг, ҳамкасбларининг матбуотда, телевиденияда, кенг партия ва халқ оммаси олдидаги ҳар бир чиқиши уларни адойи тамом қилади.

(Давоми бор).

6

Хориждан хабарлар

КЕНГАШ ИШ БОШЛАДИ

СОФИЯ. (ТАСС). Ҳозир ҳар биримиз шу даражада орзиқиб кутган қадриятларга — демократия, тинчлик-хотиржамлик ва хавфсизликка эришиш учун масъулият ҳиссимиз, онгимиз ва босиқлигимиз ҳар қачонгидан ҳам кучли бўлиши керак. Болгария Халқ Кенгашида миллий масала ижтимоий кенгаши ана шу шиор остида иш бошлади. Унда миллий манфаатларни ҳимоя қилиш умумхалқ комитетининг, турк тилида сўзлашувчи ва мусулмон аҳолисининг, халқ кенгаши раҳбариятининг, парламент группалари ҳамда парламент доимий комиссияларининг, ижтимоий-сиёсий, мустақил ва черков ташкилотларининг вакиллари қатнашмоқдалар.

Жамоатчилик кенгаши, дейилади халқ кенгашининг БХР гражданларига бу ерда тарқатилган мурожаатномасида, миллий масала жуда хавфли тус олганлиги сабабли чақирилди: Болгария жамияти ичидаги қарама-қаршилик юқори нуқтага кўтарилди, ундан кейин воқеалар қандай бўлишини олдиндан айтиш мушкул бўлиб қолди.

Кенгаш ўз ишини 12 январгача давом эттиради. Шундан сўнг унинг қатнашчилари қабул қилган ҳужжат халқ кенгашининг бўлажак сессияси муҳокамасига қўйилади. Мажлис қатнашчилари мамлакат барча гражданларига мурожаат этиб, миллий масала билан алоқадор иш ташлашлар ва митинглар ўтказишни тўхтатишга чақирдилар.

БХР Давлат Кенгаши раиси П. Младенов миллий манфаатларни ҳимоя қилиш умумхалқ комитети вакиллари билан учрашди. БКП Марказий Комитети Сиёсий бюроси, БХР Давлат Кенгаши ва Министрлар Кенгашининг турк тилида сўзлашувчи ва мусулмон аҳолисининг конституцион ҳуқуқларини тиклаш тўғрисидаги қароридан келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлардан ташвиш билдирилди. БХРнинг миллий жиҳатдан яхлитлигини сақлаш, жамоалараро можаролар келиб чиқиши мумкинлиги муносабати билан унинг аҳолиси хавфсизлигини сақлаш ҳусусида ташвиш билдирилди.

Болгария раҳбари ўз нутқида ҳуқуқий демократик давлатда барча масалалар қонунга риоя этилган ҳолда мулоқот йўли билан ҳал этилиши кераклигини таъкидлади.

МАЖЛИС БЎЛДИ

БЕРЛИН. (ТАСС). ГДРдаги 12 етакчи партия ва сиёсий ташкилотлар қатнашаётган давра суҳбатининг навбатдаги олтинчи давраси мажлислари натижасиз тугади.

Ҳукумат вакили П. Кохнинг миллий хавфсизлик маҳкамасини тарқатиб юбориш тўғрисидаги доклади муҳокама қилинаётганда фикрлар ҳар хил чиқиб қолиб, мажлис ишида танг вазият вужудга келди. Кохнинг айтишича, ушбу маҳкаманинг 85 мингдан кўпроқ ходимидан ҳозир нари борса 60 минги қолган. Ходимларни бундан буён ҳам изчиллик билан қисқартириш назарда тутилмоқда. Маҳкама ихтиёридаги қурол-яроғ шу ойнинг охирига қадар ГДР миллий мудофаа министрлиги ва ички ишлар министрлиги ихтиёрига берилади.

П. Кох маҳкаманинг 216 ноҳия бўлими биноси бўшатилганини ва амалда бу биноларга бошқа ташкилотлар кўчиб кирганлигини ҳам айтди. Бу маҳкамага қарашли дам олиш уйлари касаба союзларига берилди. Ҳукумат давлат хавфсизлигининг собиқ ходимларига ҳақ тўлаш тўғрисидаги ҳозиргача амалда бўлган низомни қайтадан кўриб чиқиш ниятидадир.

Оппозициядаги партиялар ва гуруҳларнинг вакиллари хавфсизлик маҳкамасидаги ходимлар сони, унинг хўжалик бўлинмалари ҳусусида батафсилроқ ахборот берилишини ва шу маҳкама қўлидаги қурол-яроғни олишни талаб қилдилар. Бу партиялар ва гуруҳлар ҳукумат вакилига ишончсизлик билдирдилар, гўёки у саволларга бамаъни жавоб бермаган эмиш. Оппозиция вакили В. Шнур худди буйруқ бераётгандек ГДР Министрлар Советининг Раиси Х. Модров ички ишлар министри ва бош прокурор билан биргаликда икки соатдан кейин мажлисга келишсин ва мамлакатдаги ички хавфсизлик тўғрисида ахборот беришсин, деб талаб қилди. Бунинг сира иложи йўқ эди, чунки ҳукумат бошлиғи ўша вақтда Софияга кетган эди.

Ниҳоят қуйидаги муросали қарорга келинди: мажлиснинг бу даврасини муддатидан илгари якунланадиган ва давра суҳбатининг навбатдаги йиғилиши 15 январда, чақирилиб, мунозаралар давом эттириладиган бўлди.

ҲАРАКАТНИ КОМПЬЮТЕР БОШҚАРАДИ

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Ҳиндистонда ҳазиллашиб «шайтонлар ўйини» ёки «буқалар жанги» деб аталадиган бетартиб автотранспорт ҳаракати афтидан тез орада анча яхшиланадиганга ўхшайди. Ҳар қалай, яқин икки йил ичида йўл ҳаракатини компьютерлаштирилган тарзда бошқариш системасининг ишга туширилишидан умид қилаётган Деҳли ҳайдовчилари бунга ишонишаяпти.

Йўл полицияси комиссари К. К. Паулнинг айтишича, компьютер шаҳарнинг энг гавжум марказий қисми бўлган Коннот Плейс ноҳиясидаги барча светофорлар ишини мутаносиблаштиради. Унинг вазифаси муайян тезликда ҳаракат қилаётган транспорт учун йўл очиб бериш бўлади. Бунинг учун у автотранспорт оқимининг сийрак ёки гавжумлиги, тезлиги хусусида муттасил маълумот олиб туриши керак бўлади.

Система Ҳиндистон ҳукумати учун анча қимматга тушади — унинг баҳоси тахминан 85 миллион рупия атрофида бўлади. Тўғри, бунга системада ишлайдиган ходимларни тайёрлаш ва унга техник хизмат кўрсатишга кетадиган харажатлар ҳам киритилган. Бироқ, «Хиндустан таймс» газетасининг таъкидлашича, йўл ҳаракатини бошқаришнинг компьютерлаштирилган системасини жорий этиш шаҳарга жуда катта фойда келтиради. Масалан, пойтахт кўчаларида «тиқин»лар вужудга келмайди, транспорт тўлиб кетган кўчаларда соатлаб туриб қолувчи автомобиллардан фойдаланиш арзонлашади.



Италия ахборот агентлиги АНСА 1173 йилда барпо этилган жаҳонга маълум Пизa минорасининг мана шу суратини тарқатиш билан эътиборни у йилига бир миллиметрдан оғаётган ташвишли фактига қаратади. Бунда АНСА бир қатор экспертларнинг фикр-мулоҳазаларига таяниб шуни баён қиладики, иншоот йўл қўйиш мумкин бўлган хавфсизликнинг барча чегарасидан чиқиб кетган. Бунинг устига минора қаттиқ зарарланган. Бу вазият ҳукумат унга ғамхўрлик кўрсатишини талаб қилди. Муаммони ўрганиш учун махсус комиссия тузилишига қарор берилган.

АНСА-ТАСС сурати.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЖУЛДУР КИЙИМДАГИ МАФИЯЧИЛАР

✦ ИСПАНИЯ кўчаларида тиланчиларнинг кўпайиб кетганлигидан полиция шубҳага тушди ва гадойларнинг барчасини «элакдан» ўтказа бошлади.

Текширишлар натижасида шу нарса аён бўлдики, садақа сўровчиларнинг кўпчилиги таъмагир юлғичлар экан. Улар «қоринлари»дан ортган пулни ҳар куни ўз «ҳукмдор»ларига пора сифатида жўнатишиб туришаркан. Бу пора кунига ўрта ҳисобда бир миллион песони ташкил этади, деб хабар беради Булғориянинг «Работническо дело» газетаси.

НОЁБ ҒОР

✦ ЭРОН археологлари мамлакат жанубида тарихий қимматга эга бўлган ноёб ғор топишди. Маълум бўлишича, ғор эрамиздан аввалги 3-1 минг йилликда мақбара вазифасини бажарган. Ғор узунлиги 60, баландлиги 15 метрга тенг бўлган бир неча хоналарга бўлинган бўлиб, хоналарда уй-рўзғор анжомлари ва безаклар сақланиб қолган. Айниқса, ҳар битта хонада турган улкан кўза ва мармар устунлар мутахассисларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

ҚОҒОЗ БОТИНКАЛАР

✦ МАЪЛУМКИ, тимсоҳ терисидан ясалган пойафзаллар чидамлилиги ва чиройлилиги билан ажралиб туради. Шунинг учун унга бўлган талаб дунё бўйича ортиб бормоқда.

Яқинда Монте-Кристи шаҳрида (Доминикан жумҳурияти) аёл ва эркакларнинг худди шундай ботинкалари, шиппакларининг катта туркуми уч кунда сотиб тугатилди. Бироқ ерлик аҳолининг қувончи узоққа чўзилмади. Чунки бир ҳафтадан сўнг кучли жала ёғиши натижасида ботинкалар қисмларга ажралиб йиртилиб кетди.

Маълум бўлишича, пойафзаллар юпқа картон қоғоздан тикилган ва устидан тимсоҳ терисига ўхшаган полимер плёнкаси қопланган экан.

«Франкфуртер рундшау» (ГФР) газетасининг хабарига қараганда бу «совға» Гренададан олиб келинган бўлиб, ўша ердаги бир нолегал фирманинг маҳсулоти экан.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Янги шеърлар

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Оламда бахтли ҳам, бебахт ҳам мўлдир,
Кўпларнинг ғами юки бир тубсиз кўлдир.
Кимнинг бағри бўстон, кимники чўлдир,
Алдаманг, алдашдан сиз ҳам ёт бўлинг,
Виждон азобидан эҳтиёт бўлинг!
Нафсингиз жиловин тортинг, бўш қўйманг,
Олтинни кумушга ҳеч қачон йўйманг,
Бировга беҳуда чоҳ, чуқур ўйманг,
Алдаманг, алдашдан сиз ҳам ёт бўлинг,
Виждон азобидан эҳтиёт бўлинг!
Одил бўлсак виждон сокин, тинч бўлар,
Меҳр чашмасидан кўнгиллар тўлар,
Дунёда ҳар ким ўз экканин ўрар,
Алдаманг, алдашдан сиз ҳам ёт бўлинг,
Виждон азобидан эҳтиёт бўлинг!

СУРАТ

Девордаги суратга қизим тикилганича
Уз ҳолимга қўймайин, сўраб қолди, баногоҳ.
— Дада, Акром бобомлар урушда ўлганмилар?
Ҳа, жавобим эшитгач... кўзлар ёшланди, эй воҳ!
— Кўй мунисим ўртама, юрагимни эзмагин,
Хотирамга солмагин, у даҳшатли дамларни,
Уша суронли йиллар олиб кетди бобонгдек —
Неча-неча али қомат, азамат одамларни,
Мабодо омон қайтса, юрарди ғоз гердайиб,
Арзир-арзимас ишни ҳаммага кўз-кўз қилиб
Севинг бобонг ажойиб, камтарин инсон эди.
Э, воҳ, лаънати уруш унинг бошини еди.
Бас, Умида, йиғлама, хаёлотга чўммагин,
Кўзларинг қувноқ кулсин, ҳеч йиғларга тўлмасин.
Ҳеч бир инсон бемаврид йўқолмасин ҳаётдан,
Вахтимизга дунёда энди уруш бўлмасин!

Аъзам АКРОМОВ.

КЎРГАЗМА

«Олтин водий» деган шиорона ном берилган кўргазмада Фарғона вилоятининг шаҳар ва ноҳияларида яшовчи ёш рассомлар, ҳайкалтарошлар, амалий безак санъати усталарининг асарлари намойиш қилинган. Бу кўргазма Қува ноҳия маданият уйида очилди.

Кўргазмада намойиш қилинган асарларнинг жанрлари хилма-хил бўлиб, улар орасида ранг-тасвир ва графика санъати намуналари, акварель бўёқ билан ишланган суратлар ҳамда ганч ва ёғоч ўймакорлиги буюмлари бор. Ёш мусаввирларнинг асарларида Фарғона водийсининг ўтмиши ва ҳозирги куни, одамлари, табиат манзаралари ва меъморий ёдгорликлари тасвирланган. Мутахассисларнинг фикрича, кўргазма ёш муаллифларнинг юксак маҳоратидан далолат беради.

Улар ҳайкалтарош А. Абдуғаниев, рассомлар А. Ҳакимов, А. Бойматов, Т. Миржалоловларнинг асарларини юқори баҳоладилар.

ТЕНГДОШЛАР УЧРАШУВИ

Келгусида мелиоратор бўлиб етишадиган, ҳозирча эса Мирзачўлнинг кўрик Оқ олтин ноҳияси марказидаги бўлган Сардобада жойлашган гидромелиорация техникумида таҳсил олаётган ёшларнинг Тожикистон ССР Зафаробод ноҳиясидаги ўз тенгдошлари билан Янги йилнинг дастлабки кунларидаги учрашуви чинакам байрамга айланиб кетди.

Шу кунларда қизиқарли савол-жавоб кечалари ва концертлар, ноҳия бўйлаб экскурсиялар бўлди.

ЭЪТИБОРГА МУҲТОЖ...

Етмишинчи йилларнинг бошида Москвада Узбекистон ССР Фанлар академиясининг ўн беш қаватли меҳмонхона-ётоқхонаси фойдаланишга топширилган эди. Унинг 2-9 қаватлари жумҳуриятимиз Фанлар академиясининг йўлланмаси билан пойтахтга ташриф буюрадиган меҳмонлар, қолган қаватлари эса Москвада таълим оладиган ўзбекистонлик аспирантлар ва тадқиқотчилар (стажёрлар)га мўлжалланган. Етоқхонада 420 га яқин йигит-қиз яшайди.

Журналист Анвар ЖЎРАБОЙ Москвада, ана шу меҳмонхонада бўлиб, бир гуруҳ аспирант ва стажёрлар билан давра суҳбати ўтказди.

Баҳриддин МУРАНОВ, СССР Педагогика Фанлари академиясининг меҳнат таълимоти ва касб танлаш институтити аспиранти, ётоқхона аспирантлар кенгашининг раиси:

— Мен, энг аввало, Москвада шунақанги махсус меҳмонхона-ётоқхона қуришгани учун жумҳурият ҳукуматига, Узбекистон Фанлар академиясига катта миннатдорчилик билдирмоқчиман. Биз, аспиранту стажёрлар бундан чексиз хурсандмиз. Биласизми, Москвада Узбекистондан бошқа бирор жумҳуриятнинг бундай махсус ётоқхонасиям, меҳмонхонасиям йўқ!

Меҳмонхонамиз ниҳоятда шинам, чиройли. Унинг деворларию шипларига ўзбек ганчкорлари, наққошлари ишлов беришган. У транспорт қатнови учун росаям қулай жой — метронинг «Рязань проспекти» бекати ёнида жойлашган. Коридорларга, айвонларга гиламлар тўшалган, рангли телевизорлар ўрнатилган, ҳар бир хонада телефон. Ҳужралар блок усулида бўлиб, ҳар икки хона учун ваннахона мавжуд. Пастда шаҳарлараро телефон-автоматлар ўрнатилган «Союзпечать» дўкони ишлайди.

Шароитимиз ёмон эмас. Аммо ўзига яраша муаммоларимиз ҳам анчагина.

Уткир ТОЛИПОВ, СССР Педагогика Фанлари академиясининг меҳнат таълимоти ва касб танлаш институтининг стажёри:

— Ошкоралик даври бўлганидан кейин кўпроқ муаммоларимиз хусусида гаплашсак.

Саидбурхон ЖАББОРОВ, Москва темир йўл транспорти инженерлари институтининг аспиранти:

— Жудаям тўғри фикр. Биз бу муаммолар тўғрисида жумҳуриятимизнинг Москвадаги ваколатхонасидагилар, Узбекистон Фанлар академиясидаги мутасадди ўртоқларга ҳам айтишимизга қарамай, мутлақо натижа чиқмаётир.

Биз, асосан, кутубхоналардаю илмий муассасаларда иш олиб борамиз. Лекин ётоқда ҳам ишлашимизга тўғри келади. Айниқса, аспирантуранинг сўнгги йилида ўқиётганларнинг жуда кўп ёзув-чизуви ўз хоналарида ўтади. Шу боис ҳам улар якка ҳолда яшашлари лозим. Аммо бармоқ билан санарли кишиларгина шундай имкониятга эга. Аслида низомга кўра, биринчи йил аспирантларига 3 кишилик, иккинчи йилдагиларга 2 кишилик, учунчи йилдагиларга эса 1 кишилик хона ажратилиши керак. Бизда эса бу қоида бузилаётир.

Алишер ВОҲИДОВ, аспирант, медик:

— Ҳақиқатан ҳам. Масалан, мен учинчи йил аспирантиман. Кўп ишларимни ётоқда амалга оширишга мажбурман. Тор хонада икки киши бўлиб турамиз. Шунинг учун жудаям қийналиб кетдик.

Саидбурхон ЖАББОРОВ:

— Шуниси ажабланарлики, хоналар етишмаслигига қарамай, маъмурият тўққизинчи қаватни ётоқхона ихтиёридан олиб, меҳмонхонага ўтказди ва натижада биз, аспиранту стажёрлар элликка яқин жойдан маҳрум бўлдик. Хўжалик ҳисобига ўтиш муносабати билан шундай қилинган, шекилли. Лекин меҳмонхона моддий даромад топиш мақсадида эмас, балки, биринчи галда, ўзбекистонлик аспирантлару илмий ходимларга яхши шароит мақсадида қурилган-ку! Шунинг учун талаб қилардикки, 9-қаватни ётоқхона ихтиёрига ўтказишса. Яна бир нарса, ётоқхонада жой тақсимлаш ишини меҳмонхона директорининг ўринбосари Олег Иванов яккаҳокимликка айлантириб олган. Жой олиш учун унга, албатта, нимадир совға қилиш керак...

Уткир ТОЛИПОВ:

— Коньяк, ароқ... Табиийки, яхши жойлар учун «яхшироқ» ҳиммат кўрсатилади. Аслида хоналар тақсимоти билан аспирантлар кенгаши шуғулланиши лозим.

Рустам ЭРГАШЕВ, Москва педагогика институтининг аспиранти:

— Бунинг учун аспирантлар кенгашига ҳаққоний, принципиал ўртоқларни сайлаш керак.

Алишер ВОҲИДОВ:

— Ота-онамиз, яқин қариндошларимиз келишганида, уларни жойлаштиролмай қийналамиз. Илгари бундай мақсад учун анчагина жой бор эди, ҳозир эса 3 тагина жой қолдирилган, холос.

Ғанишер МАМАДАЛИЕВ, Докучаев номидаги тупроқшунослик институтининг аспиранти:

— Мен бир ҳолга ҳайронман, меҳмонхона Узбекистонникими ёки Кавказникими? Биласизми, Арманистону Грузиядан келганлар бу ерда ниҳоятда кўп. Чайқовчилари айниқса. Қоида бўйича, меҳмонхонада энг узоғи билан бир ой яшаш мумкин, улар эса, бола-чақалари билан кўнгиллари тусаганча, худди ўз уйларидагидай яшайверишади.

Аммо ўзбекистонликларнинг ўз меҳмонхонасига жойлашиши ўлимдан қийин. Шахсан менинг ўзим дастлаб келганимда (қўлимда Узбекистон Фанлар академиясининг йўлланмаси бўлиб, унда ҳатто хонанинг номериям кўрсатилганди), «ётоқда жой йўқ, кутинг» — дейишди. Меҳмонхонада турай десам, жой беришмади. Охири бир ой шахсий квартирада ижарада яшашга мажбур бўлдим.

Саидбурхон ЖАББОРОВ:

— Бир куни кечқурун институтдан ётоққа кираётсам, меҳмонхона фойесида бир ўзбек чол ўтирибди. Уни эрталаб яна ўша жойда кўрдим. Кечаси билан курсида ўтириб чиққан бўлса керак. Ҳаво совуқ. Устига устак елвизак. Суриштирсам, Оҳангарондан экан, уруш инвалиди. Унга райсобесдан «Запорожец» ажратишибди. Бепул. Аммо ноҳиядагилар минг сўм пора сўрашибди. Отахон кўп жойга югурибди, фойдаси бўлмагач, нажот сўраб Москвага учибди. Ҳеч қаердан жой тополмабди. Охири кимдир, бизнинг меҳмонхонага боришни маслаҳат берибди. Аммо қанча ялиниб-ёлвормасин, жой ололмабди. Фанлар академиясининг йўлланмаси керак, дейишибди. Отахон Москвани ҳимоя қилган жангчилардан экан, ҳатто шуниям ҳисобга олишмабди!

Уткир ТОЛИПОВ:

— Яна бир муаммо. Илгари иккита буфет бор эди (ошхона тез-тез ремонтда бўларди). Шунинг бирини бир кавказлик йигит гриль-барга айлантирган. Бизнинг аспирантларни эса ошпаз қилиб ёллаган: улар миллий таомлар пиширишади. Бир қараганда, бу яхшидек туюлади. Аммо, гриль-барга киришга ҳаммаям журъат қилолмайди: овқатларнинг нархи осмонда. Масалан, бир порция палов билан битта салатга беш сўмдан кўп олишади.

Рустам ЭРГАШЕВ:

— Буфет эса икки кун ишласа, уч кун ишламайди. Ундан кейин у ердаги овқат ва маҳсулотлар тури ниҳоятда қашшоқ, кейин нархлар баланд. Бизга айтишлари мумкин, қаватларда ошхоналар бор, ўша ерда овқат қилаверинглар, деб. Биринчидан, овқат қилиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Иккинчидан, вақт кам. Учинчидан эса газ плиткалари сони ҳам саноқли.

Гули МАҲМУДОВА, фалсафа институтининг аспиранти:

— Илгари меҳмонхона қаршисида спорт майдончамиз бўларди. Аммо уни тортиб олишиб, ўрнига пирожки пиширадиган дўкон қуришди. Энди қаерда шуғулланамиз спорт билан? Бу ҳеч кимни ташвишлантирмайди.

Анвар ЖЎРАБОЙ:

— Мен бу меҳмонхонани Узбекистоннинг Москвадаги бир бўлаги, деб тасаввур қилардим ва шу сабаб бу ерда жумҳуриятимиз байроғини, ўзбекча газета-журналларни, Узбекистон билан боғлиқ фотосуратларни кўраман, деб ўйловдим. Афсуски, меҳмонхона-ётоқларингда ҳатто деворий газета ҳам чиқмас экан.

Баҳриддин МУРАНОВ:

— Илгари биздаги «Союзпечать» дўконига «Совет Узбекистони», «Узбекистон адабиёти ва санъати», «Ёш ленинчи» ва бошқа газеталар келиб турарди. Сўнгги йилларда негадир, уларнинг келиши тўхтатилди. Деворий газетаю фотокўргазмага келсак — бу бизнинг камчилик ва уни тузатишга ҳаракат қиламиз.

Саидбурхон ЖАББОРОВ:

— Сиз Узбекистон байроғи дейсиз. Узбекча бирор бир тадбир ўтказиш учун қийналамиз-у. Янги йилни кутиб олиш тадбири хусусида икки тилда эълон ёзувдик. Раҳбарлардан бири «Нега биринчи ўзбекча ёздиларинг?» деб роса дилимизни ҳуфтон қилди. Ҳар нарсадан миллатчилик қидиришади.

...Биз анча маҳалгача суҳбатлашдик. Суҳбат давомида яна маълум бўлдики, жумҳуриятимизнинг ушбу меҳмонхона-ётоқхонасидаги аспирант ва стажёрлар орасида якдиллик йўқ. Маҳаллийчилик кенг авж олган. «Бўлинганни бўри ер» деган мақол ёдга тушади. Олим йигитларимизки, шундай зорланиб ўтирсалар, бошлари бирикмаса!... Афсус!

Ҳа, яна бир фикр. Меҳмонхона-ётоқхонамиз хўжалик ҳисобига ўтган, аммо шундай гаплар ҳам айланиб юрибдики, маъмурият уни бутунлай Узбекистондан олиб, Моссовет ихтиёрига ўтказишни ўйлаётган эмиш.

Уйлаймизки, Узбекистон ССР Фанлар академияси, жумҳуриятимизнинг Москвадаги ваколатхонаси кўтарилган муаммоларни ҳал қилишда қўллаҳдан келган ёрдамларини аямайди.

Москва — Тошкент.

«МАЙСАРАНИНГ ИШИ» НУКУСДА

К. Станиславский номли Қорақалпоқ Давлат музикали драма ва комедия театри нукусликларга Ҳамзанинг «Майсаранинг иши» пьесасининг музикали фаразини ҳавола этди, опера муаллифи — С. Юдаков.

Бундан аввалги «Ажинийёз» операсини саҳналаштириш учун солистлар четдан таклиф қилинган эди. Дарвоқе, бу — автоном жумҳуриятнинг саҳна санъати тарихидаги дастлабки опера эди. Бу гал постановкачи режиссёр Н. Ансатбоев маҳаллий артистларнигина жалб этишга қарор қилди. Театр актёрлари М. Сапаева (Майсара), К. Сержонова (Чўпон Али) ва бошқа ижрочилар ўзларининг ёрқин истеъдодларини намоён этдилар. Опера муваффақият қозонишида балетмейстер Х. Шарипов ва театрнинг бош дирижёри С. Полвоновларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Спектаклнинг ўзига хос яна бир томони хусусида тўхталамиз. Тошкент театр ва рассомлик санъати институти битирувчиларининг бир гуруҳи «Майсаранинг иши»да иштирок этганлиги улар учун диплом иши бўлди.

Музикали театр олдида янги қизиқарли иш турибди: шу йили бу ерда Сергей Рахманиновнинг «Алеко» операсининг музикаси билан биринчи қорақалпоқ балетини саҳналаштириш режалаштирилияпти.



Қор ёғди

Сураткаш Жўра БОБОРАҲМАТОВ.

Жумҳурият Ички ишлар министрлиги матбуот маркази хабар қилади

«БЎРИ»ГА ҚЎЙИЛГАН ҚОПҚОН

Уч нафар милиция ходимидан иборат қўлга олиш группаси якунловчи босқичда қатъий ҳаракат қилди. Снайпер отган ўқ бандитнинг граната ушлаб турган қўлига тегди... Ночор аҳволга тушиб қолган ва ҳар қандай жиноятдан тап тортмайдиган бандит қўлга олинди.

Қуролли безорини қўлга тушириш учун 8 январь куни эрталаб Тошкентнинг марказий темир йўл вокзалида бошланган операция шу тариқа тугади. Бахтимизга милиционерлар ва хавфли жойда пайдо бўлган гражданларга шикаст етмади.

Воқеа эса бир кун олдин — 7 январь куни кечқурун Кремль кўчасида бошланган эди. Унда жиноятчилар икки киши эди. Улар ҳамма нарсани ҳисобга олишганди. Девор орқали ҳовлига ошиб тушиб, пастқамда ўлжа пойлаб туришарди.

Уй бекаси ёзилиш учун ҳовлига чиқиб, уларнинг режасини бузиб қўйди. Ҳожатхона эшигини очиб у ерда икки нотаниш кишини кўрдию, қўрққанидан бақириб юборди. Бақириқни эшитиб, унинг 34 яшар ўғли югуриб чиқди... Иккаласи — она ва бола ҳозир касалхонада даволанмоқда. Безорилар отган ўқ аёлнинг юзига тегди. Кейинги икки ўқ ўғлига аталди. Бу ҳам етмагандек, тўппонча дастаси билан унинг бошига уришди. Ана шу ҳаракатнинг ўзидан яна бир ўқ отилди ва у жиноятчиларнинг бирига тегди. Бандит шу тўппончадан ўқ узиб ярадор бўлган шеригини совуққонлик билан ўлдирди. Чўнтакларидан бор пулини олиб ғойиб бўлди.

Жабрланувчиларнинг тасвирлаб берганига мувофиқ яширинган жиноятчининг оғзаки портрети тузилди. Тошкент ва унинг атрофидаги ички ишлар бўлинмаларига хабар қилинди, темир йўл вокзаллари, автостанциялар, аэропорт назорат остига олинди.

Шу билан бир вақтда оператив хизмат ходимлари ўлдирилган жиноятчининг кимлигини аниқладилар. У жуда кўп оғир жиноятлар содир этганлиги — ўғирлик, талончилик, қотиллик қилгани учун бутун иттифоқ бўйлаб қидирилаётган ленинградлик ашаддий жиноятчи эканлиги аниқланди.

...Қидириш группалари 7 январдан 8 январга ўтар кечаси туни билан тиним билмади. Ана шундай группалардан бири жўнамоқчи бўлиб турган «Тошкент-Москва» 5-тезюрар поездини кўздан кечириш чоғида купега қулай жойлашиб олган кишининг ташқи белгилари оғзаки тасвирдагига ўхшашлигига эътибор берди.

У киши қўлга олиш чоғида, ҳатто ўқланган тўппончани чўнтагидан олишганда ҳам унча қаршилик кўрсатмади. Лекин оператив ходимлардан бири унинг чап қўлига солинган кишанни ўз қўлига боғлаши биланоқ қўйнидан граната чиқардида, агар талаби бажарилмаса гранатани портлатиш билан дўқ қила бошлади...

Вагонда йўловчилар бор эди, уларни граната портлаши хавфидан ҳоли қилиш керак эди. Оператив ходимлар жиноятчи билан музокара олиб бордилар, ҳамма масалаларни келишиб олиш учун уни милиция бўлимига боришга кўндирдилар. Шундай қилиб, бандит гаровга олган милиционер билан ёнма-ён Тошкент шимолий вокзалидаги темир йўл ички ишлар бўлимининг навбатчи қисмига боришди.

Бу ерда гаровга ушлаб турган милиционерни қўйиб юборишга, ақл билан иш тутиб, таслим бўлишга кўндирмоқчи бўлишди. Далиллар натижа бермади. Таваккал қилишга тўғри келди.

Ана шунда снайпер ва зирҳли камзул кийган оператив ходимлардан иборат қўлга тушириш группаси иш бошлади. Жиноятчининг ўқ теккан қўлидан тушиб кетган гранатани дарҳол олиб, кимсасиз йўлакка улоқтиришди, граната у ерда... портламади. Кейинчалик сапёрлар бу гранатани текшириб, таълим мақсадларига мўлжалланган, портламайдиган граната эканлигини аниқладилар.

Қўлга туширилган жиноятчининг чамадонидан яна бир ўшандай граната, «ТТ» тўппончаси ўқи билан, пичоқ ва кўп миқдорда пул топилди. Энди у булар нималарга аталганлигини терговчиларга батафсил тушунтириб беришига ва судда қонунга мувофиқ жавоб беришига тўғри келади. У фақат шу жиноят учун эмас, Тошкент ва Москвада, Владивосток ва Ленинградда, Грозныйда ҳамда мамлакатнинг бошқа шаҳарларида қилган ўғирлик, талончилик ва қотилликлари учун суд олдида жавоб беради.

В. САФИУЛОВ,
милиция майори.
(УзТАГ).

Ҳодиса

ҚОР ОСТИДА ҚОЛИШДИ

2 январь куни Бўстонлиқ ноҳиясидаги Балдарсой тоғида икки ўсмир қор кўчкиси остида қолиб, ҳалок бўлди. Улар қор кўчкисига қарши кураш хизмати ходимларининг огоҳлантиришларига қарамай ота-оналари билан бу ерга келишган эди.

Узбекистон гидрометеорология ходимларининг хабар қилишларича, Чимён ва Балдарсой атрофида қор кўчиш хавфи тўғрисида 1 январдаёқ одамлар огоҳлантирилган эди: 3 январдан бошлаб бу ерда оммавий спорт тадбирлари ўтказиш тақиқланганди. 2 январь куни эрталаб бу ерга келганлар яна бир бор огоҳлантирилди.

Лекин, огоҳлантиришларга қарамай, Балдарсойдаги осма арқон йўли хизматчилари чанғида учиш учун келган бир неча меҳмонга хизмат қилиш мақсадида уни ишга солиб юборди. Меҳмонлар куннинг иккинчи ярмида пастга тушмоқчи бўлганларида, болалар осма арқон йўлидан фойдаланмай, белгиланган йўлдан эмас, балки шамол ҳайдаб келган қор уюмларидан чанғида тушишмоқчи бўлдилар ва фалокатга йўлиқдилар. Улар қор қатлами мустаҳкам бўлмаган ерга келиб қолишди ва 6 минг кубометрга яқин миқдордаги қор кўчишига сабаб бўлишди.

Назорат-қутқарув ва қор кўчкисидан сақланиш хизмати ходимлари болаларни кечгача қидиришди. Уларнинг бирини бир ярим соатдан сўнг, иккинчисини эса тўрт соатдан кейин топдилар. Улар ҳалок бўлишган эди.

Қор кўчкисидан сақланиш хизмати ходимларининг огоҳлантиришига қарамай, ишга туширилган осма арқон йўли Узбекистон Давлат физкультура ва спорт комитети ташкилотларига тегишлидир. Узбекистон гидрометеорология хизмати ходимлари бу ерда хавфсизликнинг бир қанча қоидаларига риоя этилмаганлигини, жумладан, ўсмирлар ҳалок бўлган ер хавфли зона сифатида белгиланмаганлигини айтмоқдалар.

Ю. КРУЖИЛИН,
УзТАГ мухбири.

12 ЯНВАРЬ — ЖУМА

● УзТВ I

17.30 Телефильм. 17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Типратикан, кучукча ва Нико исмли бола». Мультфильм. 18.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сайловлар олдидан». 18.40 «Комсомол прожектори». 19.00 «Деҳқон юмушлари». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Социалистик қонунчилик ва демократия». 20.20 «Шеърият дафтаридан». Садриддин Саидов. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Янги йил оқшомида». Янги йил мусиқий программаси. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Янги йил оқшомида». Янги йил мусиқий программаси (давоми). 24.00 Янгиликлар. 00.05 Кўрсатувлар программаси.

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Дон Кихот ва Санчонинг тирикчилиги». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. Иккинчи фильм. 5-серия. Премьера. 10.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 11.00 «Мамлакатга назар ташлаб». Давлат муаммоларини ҳал этишда шахснинг роли ҳақида. 12.00 «Фестиваллар, конкурслар, концертлар». 13.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

16.00 «Шоҳсупали пейзаж» Ҳужжатли фильм премьераси (Свердловск киностудияси). 16.25 «Ретро». Кекса ёшдагилар учун кўрсатув. 17.25 «Чайковский ҳақида мулоҳазалар». Усмирлар учун кўрсатув. 18.55 «Коллаж» (реклама, эълонлар, ахборот). 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 19.30 «Ҳокимият — Советларга!» Ашхобод — Москва — Минск телекўприги. РСФСР, Туркманистон ва Белоруссия регионларида сайлов ва сайловолди кампаниясининг аҳволи ҳақида. 20.20 «Дон Кихот ва Санчонинг тирикчилиги». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. Иккинчи фильм, 5-серия. Премьера. 21.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 22.00 «Бир ихтиро тақдири». Телеочерк. 22.15 «Бу бўлган, бўлганди...» 22.30 Ешлар программаси.

МТ II

13.05 Тарихий фильм. «Иван Грозний». 2-серия. 14.25 Усть-Илимск шаҳри Маданият ва техника саройи «Сибирь» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 14.55 Такрорий телефильмлар сеанси. «Мовий шер» («Арманфильм»).

* * *

17.30 Мультфильмлар: «Лайлак», «Бувимнинг сабоғи», «Арчагул асали». 18.00 Қозоғистон ССР Давлат телерадиоси. «Интилганга толе ёр». Чорвачиликда ижара пудрати ҳақида (Олмаота). 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 19.30 Рус халқ қўшиқларини В. Ефимов куйлайди. 19.45 Украина ССР Давлат телерадиоси. «Оқшом олдидан». Оила муаммолари ҳақида (Киев). 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Мушук Леопольднинг телевизори». 20.45 «Спорт ҳамма учун». 21.00 МТ хазинасидан. В. Спиваков, В. Третьяков ижросида скрипка куйларидан концерт. 22.00 «Эски Янги йил». Телевизион бадиий фильм («Мосфильм»). 1 ва 2-сериялар.

Узбекистон комсомоли Марказий Қўмитаси ВЛКСМ Марказий Комитети аъзоси, СССР Халқ депутати, Сирдарё вилоятининг Боёвут ноҳиясидаги Пушкин номли совхоз ишчиси Насиба Каримбердиевага онаси
Ҳамида КАРИМБЕРДИЕВА
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Реклама ва эълонлар

«Ёш ленинчи»

МАКОНИМИЗ:
700083 ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА—32-56-56,
ХАТЛАР БЎЛИМИ— 32-54-65.
Газетамиз якшанба ва душанбадан ташқари, ҳар куни чиқади.
Тиражи 509195 нусха
ИНДЕКС: 64607
УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИНИНГ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ВОСМАХОНАСИ
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 2308.
Р. 03025.

Муҳаррир ўринбосари Қулман ОЧИЛ.